Mustaqil gazeta

HURRIYAT

23–29- may 2001-YIL 21(225)-son

HAFTANING CHORSHANBA KUNI CHIQADI

1996-yil dekabrdan chop etila boshlagan

Т.МАҲКАМОВ фотоси

Фурур

БЎЛАДИГАН ЭЛ

Маҳалла оқсоқоллари сайланаяпти

Яқинда 120 кишидан иборат америкалик уламолар юртимизда бўлиб, жумладан Бухорои Шарифни ҳам зиёрат қилиб қайтишди. Океан ортида Нақшбандия тариқатининг пешвоси Шайх Муҳаммад Нозим Одил ал-Ҳаққонийни "ўта жиддий қария" деб аташар, у киши камдан-кам кулар экан. Қариянинг бош котибаси Ҳадя хоним Мирахмадийнинг айтишича, 82 яшар ал-Ҳаққоний: "Ўзбекистонда яшариб кетдим. Бу табаррук заминга келиб куним самимий кулиш, беозор жилмайиш билан ўтаяпти", — дея икрор бўлибди. Бунинг сабаби: мен Ўзбекистон деган жаннатмакон юртда Аллоҳ йўлидаги курашувчан, ҳақиқатпарвар раҳбарларни кўрдим, дилим яйраб кетди!"

Океан орти уламоларининг мушоҳаларидан журналист сифатида шундай хулосага келдимки, эътиқод нуқтаи назаридан улар Макка билан Бухорои Шарифни қарийб тенг кўришар экан. Бухоро билан Макка ораси олис, бироқ бу икки муқаддас шаҳар қисмати ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам бир-бирига ҳамиша вобаста бўлган.

Илм-маърифат ниҳоли Маккаи Мукаррамада экилган бўлса, Мадинаи Мунавварада ривож топиб, Бухорои Шарифда ҳосилга кирган!

Ислом ҳақиқати мавзусига қайтсак, ислом бу — Аллоҳнинг ўз бандаларига инъом этган энг олий неъматидир. Бобокалонимиз ҳазрат Навоий ислом моҳиятини мухтасар қилиб, унга ҳарфма-ҳарф шундай таъриф берганлар:

И — иттифоқлик
С — саодат
Л — латофат
О — оқибат
М — муҳаббат!

Инсоннинг ана шу олий туйғулари — Иттифоқлик, Саодат, Латофат, Оқибат, Муҳаббат сингари хислатларга эга бўлмаган кимсаларни мусулмон деб тан олиб бўладими? Асло! Уларни рўйрост туриб буюк исломга хуруж қилиб юрган кўрнамак, газандалар деб атамоқ керак. Бундай юртбузарларнинг, ўз элини ёмонлаганларнинг ўлиги кўчада қолади, деган нақл бор. Халқаро террорчилар раъйига кириб, ўз юртига, ўз халқига хиёнат қилганларнинг қора қисмати бошқаларга сабоқ бўлмоғи керак.

Яқинда Бобур номли ширкат хўжалиги клубида Вобкент, Шофиркон, Пешку туманлари фаоллари, ҳуқуқ-тартибот ходимлари, корхона, ташкилот, хўжалик, мактаб раҳбарлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бўлиб ўтган ҳудудий йиғилиш ана шу муҳим огоҳлик мавзуига — йўлдан адашганлар — диний экстремистик оқимга кириб қолганларнинг қора қисмати муҳокамасига бағишланди. Йиғилишни Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов бошқарди.

Маълумки, мусулмончиликнинг мустаҳкам уч устуни бор: одоб, ахлоқ ва итоат.

Ўзларини чин мусулмон ҳисоблашган буюк сиймолар ана шу уч устун шартларига қатъий риоя қилиб яшаганлар. Ҳазрат Хондамирнинг "Макоримул ахлоқ" ("Яхши хулқлар") китобида Алишер Навоийнинг ибратомуз хулқи ҳақида ҳикоят битилган. Ҳусайн Бойқаро шикорга чиқади. Навоий шоҳга ҳамроҳлик қилади. Қачонки манзилни янгилаш зарурати туғилиб, чодирлар йиғиштирилаётганда, бир муаммо чиқади: Алишербек чодирида мусича ин қуриб, тухум очган экан. Шоир чодирни буздирмайди. Мулозимига шундай фармон беради:

— Мусича тухум очиб, болаларини катта қилгунича чодирни қимирлатмай, ундан хабардор бўлиб турғайсиз!

Қуш болалари учуриқ бўлганидан кейин хизмат ҳақи учун чодирни ўзи билан олиб кетишига Навоий мулозимга изн беради...

Энди ҳикоятнинг мантиғига эътибор беринг: мана бу чин мусулмоннинг иши, мана бу чин диёнатли мўминнинг хулқи эмасми? Аждодларимизнинг бу хилдаги олийма-

Аҳад ҲАСАН

қом хулқ-атворидан ёшларни бохабар қилиб турсак, бир қўлида қурол, бир қўлида Қуръон тутган зўраки мусулмонларнинг ваҳшиёна кирдикорларини шу тахлит фош этиб борсак, фойдадан холи бўлмас.

Айни кунларда мамлакатимизда маҳалла оқсоқолларини сайлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Биз маҳалла отахонларини сайлаймиз, халқимизда отага бўлган ҳурмат зўр! Айтмоқчиманки, маҳалла отахонлари ҳам ёшларимизни айни шундай йўлдан озишларига йўл қўймасликлар лозим.

Ғарб ёзувчиларидан бири ёшлар тарбияси билан боғлиқ ҳаётий бир ҳақиқатни тўғри таъкидлаган: "Агар Пушкин ёшлигида бувиси Арина Радионованинг жўшқин эртакларини эмас, балки олатасир, Европа эстрадасини тинглаб, ҳозирги замон жангари, ур-йиқит видео кассеталарини томоша қилиб улғайганида, ундан Пушкин эмас, қотил Дантес чиққан бўлар эди!"

Бу чин ҳақиқат. Бу мулоҳазадан сабоқ олмоқ керак.

Эндиликда мустақиллик боис мамлакатимизда ҳам ёшлар тарбияси давлат даражасидаги сиёсатга айланди. "Бир болага етти маҳалла ота-она" деган азалий ибратга сидқидилдан амал қилиб, ёшларни ҳар қандай диний ақидапарастлик оқимларидан асраб қолишимиз керак.

Хориж сиёсатдонлари биз яшаб турган бу заминни имкониятлар мамлакати деб аташмоқда. Бу бизда ифтихор туйғусини уйғотади.

Ҳақиқатни такрор ва такрор айтишдан муддао шуки, бугунги ёшлар буюк аждодларига тақлидан яшашлари, улардан ибрат олишлари, ҳар қандай диний ақидапарастликдан баланд туришлари керак. Бу ибрат фарзандларимиз тарбияси ва камоли учун чинакам дорилфунун вазифасини ўтайди, деб ўйлайман.

Шофиркон

Мухлис

"ЎЗИМ МАВЗУ ТОПАМАН!"

Ассалому алайкум, азиз "Хуррият" газетаси таҳририяти! Мухлис сифатида газетангизнинг ҳар бир сонини ўқиб бораман. Унда эълон қилинаётган турли-туман мақолалар менга жуда ёқади. Худди менинг дилимдаги гаплар айтилаётгандай. Анчадан бери сизнинг газетангизда иштирок этишни орзу қилиб юраман. Лекин нима тўғрисида ёзишим кераклигига ақлим бовар қилмайди. Ҳамма мавзулар менгача танлаб бўлинган. Албатта, мен ҳозирча изланишдаман. Ҳали қалам тегмаган мавзуни топиш осон иш эмас-да!

Шундай бўлса-да, бугун юрак ютиб бир неча шеърларимни юбормоқдаман. Маъқул бўлса чиқарарсизлар деган умиддаман, албатта. Аввал хеч қачон матбуотда иштирок этмаганман. Хатоларим ҳам анчагина бўлса керак. Афсуски, сизнинг маслаҳатингизни олишдан маҳруммиз. Яъни, хатларга ёзма жавоб қайтармас экансиз. Барибир биринчи бор сизларга мурожаат қилмоқдаманки, бу сизнинг эътиборингиздан четда қолмаслигимиздан нишон бўлса ажабмас. Яна бир бор салом билан

ДИЛШОД,
Тошкент Олий ҳарбий чегарачилар билим юрти, 3-курс курсанти

ШЕЪРИМ

Шеърим менинг қалбимда унган,
Умидимда очилган лола.
Юрагимнинг чексиз тубидан,
Вулқон бўлиб отилган нола.

Шеърим менинг офтоб нурида,
Шода бўлиб осилган ўйлар.
Қалб торларим битталаб чертиб,
Дардларимни сўйлаган куйлар.

Хабар

Демократия маданиятга муҳтож

Ясен Засурский Тошкентда

Россияниг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Д.Рюриков москвалик меҳмонни "человек-легенда" деб таништирди. Чиндан ҳам Москва давлат университети журналистика факультети декани Ясен Засурскийни танимаган-билмаган журналист ҳамдўстлик мамлакатларида оз. Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтган "Ўзбекистон ва Россия олий ўқув юртларида журналистик таълим концепциялари: ҳозирги замон ва келажак" илмий-услубий семинарда шўро даврининг жуда кўплаб таниқли журналистларининг устози ҳозирги замон рус журналистикасидаги аҳвол ҳамда Москва давлат университетида журналист кадрларни ўқитиш услублари ҳақида қизиқарли гурунг берди.

Матбуотда маълумоти бўлмаган кишилар кўпайиб кетиши журналистика касбининг нуфузини туширib юбормоқда... Реклама журналистика эмас... Бугун демократия маданиятга мухтожлик сезмоқда... Журналистлар маҳоратини тинимсиз ошириб бориш ҳозирги ўзгарувчан дунёда ниҳоятда зарур... Интернетдан ахборот олишда жуда ҳушёр бўлмоқ керак... Ҳадемай "Интернет – 2" оммалашади... Касбимизга ёшларни жалб этиш қийин кечмоқда... Ректоримиз факультетга ёшларни жалб этиш мақсадида 100 нафар талабага қўшимча 5 минг рублдан стипендия ундирди, бу бор-йўғи 180 долларга тенг, бизнинг талабаларга озлик қилади... Яхши лекция ўқийдиган домлаларга қўшимча маош бериш йўлга қўйилган бизда... Ёлланма журналистларнинг кўпайиши касбимизга иснод келтирмоқда... Журналист кўпкурашчи спортчига ўхшайди, у билимини қанча кўп оширса, шунча оз...

Сўнг савол-жавоб қизиди. Семинар йиғилганларда ажойиб таассурот қолдирди.

Мухбиримиз

Ол-а!

ЎЙНАБ ГАПИРМАНГ!

Халқимизда "Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир" деган нақл бор. Ҳа, албатта ҳар бир айтилган сўз етиб борган инсон қалбида нимадир ўзгариш ясайди. Мен бу сўзни мамлакатимизда энг кўп нусхада тарқалаётган "Даракчи"га нисбатан айтаяпман.

Газета ўзининг 10 май кунги сонида бутун дунёга бундан анча кун олдин маълум бўлган ҳақиқатни газетхонларга нотўғри хабар қилганлигидир. Бунинг устига бу хабар айнан Ўзбекистон миллий терма жамоасининг эртанги кунига тегишли ва биз учун муҳим эди. "Иккинчи босқичга йўлланма" сарлавҳали мақолада "... 2002 йил учун жаҳон кубоги саралаш ўйинлари..." каби таҳирталаб жумлалар мазмунини бу воқеалардан алақачоноқ воқиф бўлган футбол мухлислари амаллаб англаб олар. Аммо "Осиё гуруҳидаги ўнлаб кучли жамоалар иккита бешликка ажратилади. Иккинчилик баҳсларига старт август ёки сентябрь ойларида берилади. Ҳар бир терма жамоа рақиби билан икки мартадан ўйнайди. Биринчисида — ўз майдонида, иккинчисида — меҳмонда" дейилган жумбоқлар таҳирталаблигидан ташқари футбол мухлисини чалкаштирувчи тушунчалардир. Аввало "ўнлаб" эмас, бор-йўғи ўнта жамоа иккинчи босқичда ўйнайди. "Иккинчилик баҳслари..." дегани нима дегани? "Август ёки сентябрь" ойлари уч-тўрт кун эмас, 61 кун. Ўқувчига буни хабар деб "тақдим" этиш ўринлими? Яна ўйлаб кўрайлик: қандай қилиб гуруҳдаги беш жамоанинг ҳар бири ўйиннинг "Биринчисида — ўз майдонида, иккинчисида — меҳмонда" бўлиши мумкин? Бу жумбоқни ҳеч ким еча олмаса кераг-ов. Яна мақолани ўқишда давом этамиз: "Ушбу бешлик турнирдаги ғолиблар дарҳол Жаҳон Чемпионатининг финал турнирига йўлланма олади". Бу ўринда "дарҳол" сўзини "тўғридан-тўғри" бирикмаси билан алмаштирсак, гап маъзини англаб оламиз. Яна ўқиймиз: "Иккинчи ўринни олган жамоалар эса бир-бирига қарши яна тўп суради". Бу ўринда ҳам "яна"ни олиб ташласак (чунки улар аввал учрашишмаган) моҳият очилади. Аммо шу гапдан кейинги "Беллашув ғолиби эса Жаҳон Чемпионати ўйинининг финал босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритади" деган ёлғон ахборотни ўқиган "Даракчи" муштарийларини бу ёлғондан халос қилиш учун республикамиздаги ўнлаб газеталар (чунки унинг нусхаси бошқа газеталардан шунча марта кўп-да) ёзган тўғри хабар ҳам камлик қилади. Чунки бу ўйин ғолиби финал босқичига тўғридан-тўғри чиқмайди, у бунга чиқиш учун Европанинг яна бир даъвогарини ютиши керак. Шундан сўнг мақолада бешта гуруҳда ғолиблар аниқланганлиги айтилади ва улар номма-ном саналади.

Аслида эса газета ўзининг 10 май сонига "... яна бешта гуруҳ ғолиблари май ойида маълум бўлади" деган хабарни тайёрлаётган пайтдан икки ҳафтача бурун — апрель ойидаёқ ўша ҳали ғолиби номаълум деб айтилган, аммо саноқда тушиб қолган бир гуруҳда ғолиб аниқланган эди. Демак, газетада мақола чиққанда ғолиблик учун кураш 5 та эмас, 4 гуруҳда бўлаётганди. Ғолиблик аниқланган гуруҳлар сони ҳам 5 эмас, 6 та эди.

Гапларимиз чўзилиб кетди. Аслида биз фикр юритаётган мақоланинг ҳажми бу мулоҳазадан бир неча марта кичик. Бу нимани билдиради?!

ИШҚИБОЗ

Туртки

АЙБНИ ЎЗИМИЗДАН ИЗЛАЙЛИК

Аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти билан боғлиқ муаммолар ҳақида кўп гапирамиз. Орзуга айб йўқ: биз ҳам жаҳондаги олди мамлакатларнинг фуқаролари каби аъло даражадаги қулайликлардан баҳраманд бўлгимиз келади.

Яқинда Ўзбекистон телевидениеси кўп қаватли уйларда лифтларнинг яхши ишламаётганлиги ҳақида эътиборли кўрсатув намойиш этди. Қойил, ҳамманинг дилидаги гап тележурналистларимиз тилига чиқибди. Шу мавзу туфайли мазкур масаланинг яна бир жиҳати кўнглимга келди. Лифтларнинг равон ишламаётганига биз, ундан фойдаланувчилар кўпроқ айбдор эмасмизми? Ахир бу мосламалар ўз-ўзидан бузилиб қолмагандир? Айрим лифтларнинг ичига кирсангиз, "Ажабо, шу жойларда ҳам инсон яшайдими?!" деб ҳайратга тушасиз. Қаватлар кўрсатилган тугмаларни сигарет чўғлари билан куйдиришган, атрофга ҳар хил бўлмағур ёзувлар "битишган". Ким ўша қўли қичиган? Албатта, ҳайвон эмас, сиз ва биз билан бирга яшаётган одам. Кўчадаги таксофон трубкаларини узиб-бузиб ташлаган ҳам "боши юмалоқ, оёғи айри" инсон. Қачон бундай хунук одатларни ташлаймиз? Ўз уйимизда бўлсак, уни ўзимиз асрашимиз керак эмасми? Дунёдаги илғор мамлакатлар аҳолиси қатори яшаш учун рўзғоримизни улар қатори юрита билишимиз керак, ахир.

Шуҳрат ЖАББОРОВ

МММда

МАҲОРАТ ВА ЭРКИНЛИК

Ёш журналистнинг маҳорати қай йўсинда матбуот эркинлигига замин яратади?

Бугунги кун матбуотимиз қаҳрамони ким?

Талаба журналистнинг фаоллиги нималарда акс этади ва унинг ихтисослашуви қандай кечмоқда?

Миллий матбуот марказида мамлакатимиздаги учта журналистика факультети талабалари иштирокида бўлиб ўтган суҳбат-йиғилишда мана шу саволлар ўртага ташланди.

Динора ДЎЛТАЕВА, ЎзДЖТУ 2-босқич толибаси:

— Тан олиш керакки, журналистика факультетларида ўқиётган талабаларнинг ҳаммаси ҳам журналист бўлиш мақсадида эмас. Журналистиканинг ҳақиқий фидойиларига айланиши мумкин бўлган талабаларга эса етарлича эътибор берилмаётгани ҳам рост. Аксарият юрагида ўти бор талабалар яхши устоз топа олмай ўзини ўтдан чўққа ураверади. Салоҳиятини қандай тақсимлашни билмайди. Шу каби муаммоларни ҳал этишда ёш журналистлар ташкилотига эҳтиёж бор.

Очиғини айтиш керак, журналистларимизда нафақат эркин фикрлаш, балки жўраъ ҳам етишмаяпти. Шунинг учун яхши ниятлар билан ёш журналистлар маҳоратини оширишга ўргатадиган "Жўраъ" клуби ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бу ташкилотда соҳага оид мавзуларда қизиқарли семинарлар, тажрибали журналистлар билан ижодий учрашувлар, дебатлар, ўзаро баҳс-мунозаралар, муҳим воқеалар ва матбуотдаги жиддий чиқишлар муҳокамалари кўрилса айни муддао бўлур эди.

Нилуфар ЖАББОРОВА, ЎзМУ 2-босқич толибаси:

— Журналистнинг фикрлаш доирасининг кенглиги, турли соҳалардан яхшигина бохабарлиги, тилининг содда ва равонлиги унинг савиясини белгилайди.

У атрофдаги ҳар бир воқеликка ўзгалардан фарқли равишда алоҳида кузатувчанлик билан қараши керак.

Журналист лоқайдлиги — жамият фожиасидир!

Қаҳрамон — ўз даври ва халқининг миллий қиёфасидир. Уни кўрсата олиш ижодкордан юксак маҳорат ва ўта синчковликни талаб этади.

Мен давр қаҳрамонини мехригиёҳ гулига қиёслайман. У тоғу тошларни ёриб чиқиб, нафақат ўз бўй-тароватини кўрсатади, балки алоҳида хусусиятлари билан бошқа гуллардан ажралиб туради.

Қаҳрамон ҳаётнинг кўп синовларида тобланган, оқу қорани ажрата биладиган, бошқача қилиб айтганда, маърифатли бўлиши керак.

Малика АЗИЗОВА, ЎзДЖТУ 1-босқич толибаси:

— Етук журналистнинг асосий мақсади — жамиятдаги долзарб муаммоларни кўтариб чиқиш, уни таъсирли қилиб яна одамларга кўрсатишдир. Журналист қанчалик кўп маҳоратга эга бўлса, кўтарган мавзуси шунчалик таъсирли, демакки, фойдали бўлади.

Бугунги йиғилишимиз талабаларга тажрибали журналистларнинг ўз ижод лабораторияларини таништириш, уларга ўз йўллари услуб-йўналишини топиб олишда кўмаклашиш, журналистик маҳоратини оширишда ёрдам бериш учун ташкил этилганини барчамиз англаб олишимиз керак.

Бизнинг замонимизда ҳар бир соҳанинг ўз қаҳрамони бор! Фақат уни топиб, бадиийлаштириб халққа кўрсата оладиган ижодкорлар кам.

Шавкат РЕЖЕПОВ, Тошкент давлат санъат институти магистри:

— Кўп ҳолларда журналистларимизнинг мавзуни яхши ўрганмай туриб ёзган мақолалари ўқувчини бездирмоқда. Айтмоқчиманки, олий ўқув юртларининг журналистика факультетларида таҳсил олаётган талабалар иккинчи курслардан бошлаб аниқ соҳаларга йўналтирилса, шундан сўнг улардан ўқишли мақолаларни кутишимиз мумкин. Иккинчидан, кўпчилик журналистларнинг ўз вазифасини аниқ тушунмасликлари, қонунларни яхши билмаслигидан миллий журналистикамиз ўз мавқеини эгаллай олмаётганлиги ачинарли ҳолат.

Бу борада олиб борилаётган изланишлар яқин келажакда ўз мевасини беради, чунки етилиб келаётган ёш журналистларнинг аксарияти ўз ишининг устаси ҳамда ўз фикрига эга ёшлардир.

P.S. Жамғарма маъмурияти томонидан журналистика факультетларининг 9 нафар талабасига мукофотлар тақдим этилди. Таассуфки, айни хушхабарни анжуманга келолмаган ҳар учала факультет деканлари эшитолмай қолди.

Хушхабар

ЭЛЧИ "САМАРҚАНД"ДА БЎЛДИ!

"Самарқанд" газетаси таҳририятида АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Хёрбст билан учрашув бўлиб ўтди.

Таҳририят фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида ташриф буюрган жаноб Хёрбст ва газета бош муҳаррири ўртасида самимий суҳбат кечди. Суҳбат чоғида сўз эркинлиги ва матбуотнинг жамиятдаги ўрни, мамлакатни ривожлантиришдаги аҳамияти масалаларига алоҳида тўхталди.

"Самарқанд" газетасида чоп этилган мақолалар ва таҳририятнинг мақсад ва режалари билан танишгач, АҚШ элчиси газетанинг аҳолини хабардор қилиш ва жамоат назорати ўрнатиш борасидаги фаолиятига ижобий баҳо берди.

Учрашувда АҚШ элчихонасининг ахборот, таълим ва маданият ишлари бўйича маслаҳатчиси Марк Аскуино, ушбу бўлим мутахассиси Элнора Муродова ва Халқаро ривожланиш бўйича АҚШ агентлигининг Марказий Осиёдаги минтақавий миссияси мутахассиси Женифер Брик қатнашдилар.

Нурали ШОДИЕВ

ҲИКМАТ

Бир дўстим дўст бўлди душманим билан,
Бас, энди дўст эмас у маним билан.
Заҳар аралашган шакар заҳардур,
Морга қўнган пашша тенг ганим билан.

ИБН СИНО

"Комедия"

МУХБИР БОРИНИ ЁЗАДИ, ЙЎҒИНИ...

Бир журналист окахонимиз "журналист билан мухбирнинг фарқи бор, журналист танқиди, таҳлили билан одамларни сергак торттирса, мухбир фақат қуруқ хабар ёзади, у оддий хабарчи" деб фалсафа сўққанда сергак тортдим — бизда журналистлар кўпмикан?

У бармоқлари билан санаганда (журналистлар учун нечта бармоқ букилгани сир), битта нарсани хайрият, тан олди — унинг исмига ўз бармоқлари таъзим қилмади. (Демак, тепадаги иккинчи сўзни мухбир деб ўқинг).

Мухбир окахонимиз яна мухбирларни ерга уриб, "уларга хабар ёзиш учун оқ қоғоз билан қалам бўлса бас" деган эдилар. Аммо адади юз мингга яқин фалон газетанинг "ўз мухбири" ёзган хабарчадаги ёзғирларни ўқиб, қуруқ хабарчи учун ҳам яна нималардир керак бўлар экан, деган хулосани етти жойидан тугиб қўйдим. Мана тепасига ўқловдай-ўқловдай ёзиб қўйилган "Гўзалликка ошно бўлиб" сарлавҳа тагидаги хабарчани ўқинг: **"Шу йил 8 март куни вилоят ички ишлар идораларида фаолият кўрсатаётган кўплаб хотин-қизлар, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари театр сахнасида намойиш этилган "Ўлдинг – азиз бўлдинг!" комедиясини томоша қилишди".**

"Ўз мухбири" тушмагур хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига бағишлаб "Ўлдинг — азиз бўлдинг!" комедияси намойиш этилган кечанинг моҳиятини мана бундай ифодалабди: "Томоша сўнгида санъаткорларга эсдалик совғалари топширилди".

Окахонимизнинг мантиғи бўйича мухбир қуруқ хабар ёзади, борини қоғозга туширади. Агар бори шундай бўлса газетанинг "ўз мухбири"да нима айб?! Ахир борини ёзайлик-да, мухбирмиз-ку.

Зулфия ФАЙЗИЕВА

Жамият, инсон, ҳуқуқ

Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт.

Ислом КАРИМОВ

Хатлар, текширувлар ва шарҳлар

Қашқадарёдан аёл киши келди — кўп йиллар ҳуқуқ идораларидан бирида ишлаган экан, «жавобини» бериб юборишибди...

Самарқанддан беш болали педагог аёл мурожаат қилди — ҳе йўқ-бе йўқ лицей директори ўринбосарлигидан озод этишибди...

Жиззахдан фермер мадад сўраб келди — деҳқончилик учун ер ололмаётган эмиш...

Сурхондарёдан устмаюст хат келди — фидойи ниятлар билан ишлаётган ёш милиция ходимининг бўйнига айб илиб қўйишибди...

Фуқаро таҳририятга шикоят кўтариб келар экан, кўнглининг бир чеккасида умид бўлади, «Бормаган жойим қолмади» дейди бирови, «Лоақал журналистлар бизни тушунар деб келдим» дейди бошқаси.

Журналист тушунишга ҳаракат қилади. Биргина мурожаатни тушуниб етиши учун ойлаб юради, суриштиради, ўйлайди, ёзади. Ва масалага холис ёндашишни сира унутмайди. Журналист тарафкашлик қилмайди, у бир нарсага — қонунга тарафкашлик қилади, юртимиз рахбари белгилаб берганидек, матбуотнинг жамиятдаги назоратчилик вазифасини уддалашга уринади.

Ушбу салмоқли мақоладан кўзда тутилган муддао ҳам шу — турли вазиятларда, ҳаётий ҳолатларда ўзаро зиддиятларга, келишмовчилик ва можароларга қонуний нуқтаи назардан ойдинлик киритиш. Бошқаларни ҳам қонунга тарафкашлик асосида иш юритишга, яшашга даъват этиш.

Муаллифни эса муштарийлар яхши танишади: қалами пухта журналист, ҳам ҳуқуқшунос.

10 ЙИЛДАН КЎРА 5 ЙИЛ «ЎТИРГАН» МАЪҚУЛ

Ёки Ибодулла оғанинг қатъияти

Сўзни олисдан — Хоразмдан бошлай қолайлик. Чунки 30 йилдан ортиқ ҳайдовчилик касбида меҳнат қилиб, эл-юрт ҳурматини қозонган, Туямўйин сув омбори ва бошқа қурилишларда жонбозлик кўрсатгани учун ҳукумат мукофотларию рахматномалар олган инсон, тўққиз фарзанднинг отаси Ибодулла Маткаримовнинг таҳририятда қолдирган хатҳужжатларида отанинг изтироблари бўй-басти билан яққол кўриниб турибди. Қирқ нафарга яқин киши имзо чеккан хатнинг сўнггида эса шундай умид билдирилади: "...Бизлар бу масала юзасидан Сизнинг таҳририятингизга мурожаат этишга қарор қилдик, чунки биз Сизнинг газетангизни халқимизнинг эркин ва ҳур яшаши, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи нашр сифатида биламиз".

Жами 50 варақдан иборат хат ва ҳужжатларда ҳуқуқ ҳимоячилари томонидан содир этилган адолатсизлик ва қонунбузарлик, зўравонлик факт ва далиллар, мантиқий хулосалар орқали рўй-рост очиб берилган. Таҳририятнинг, журналистнинг мақсад ва вазифаси, албатта, ким нима деб нола қилса шундоқлигича газета саҳифасига олиб чиқавериш эмас. Қолаверса, ҳақми-ноҳақми жазоланган фарзанд дардида куйган ота қаердадир ўзи ҳам туйғулар гирдобида ноҳақ айбловларга йўл қўйиши эҳтимолдан узоқ эмас. Шу боис, мазкур мурожаатда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг ўзи томонидан тузатилган хато-камчиликлар устидагина тўхталиб ўтмоқчимиз. Зеро, хатда таъкидланганидек, "Қонунга риоя қилмаслик — инсонни ва рахбарни ёвузликка олиб боради. Ноҳақ қораланган одам — дунёдаги барча кишиларнинг виждонига отилган ўқдир. Биргина ноҳақ чиқарилган ҳукм, айрим шахслар томонидан содир қилинган жиноятлардан кўра оғирроқ кулфат келтиради".

Кўриб турибмизки, ўғлига нисбатан ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга рўбарў келиб турган ота, оддий бир меҳнаткаш инсон бу бедодликларнинг кетидан юраверса, турли идораларнинг эшигини қоқавериб, адолат ва ҳақиқатга оид қандай ҳикмат бўлса миясига жо қилиб олаверган. Айниқса, Президентимизнинг турли йиғинлар ва учрашувларда бу борада айтган гаплари у инсонга ишонч, куч-қувват бағишлаган. **"Раҳбарлар ҳар доим шуни эсда тутишлари керакки, Қонуннинг давлат, Ватан, умумхалқ манфаатларидан бошқа манфаати йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас".**

Хўш, нима бўлган ўзи?

Ибодулла оғанинг 22 яшар ўғли Пирназар Маткаримовни 1999 йил 28 август куни тўсатдан ҳибсга олишди. Аввал, 13 нафар ҳибсга олинган бошқаларга қўшиб уни ҳам қотилликда айблашган. Маҳаллада гиёҳванд модда олди-сотдиси билан шуғулланадиган бобо кечаси ўз уйида ўлдирилган эди. Бошқа гумондорлар қатори Пирназар ҳам "қотиллик" гуноҳидан халос бўлди. Халос бўлгунига қадар эса ота-онаси билан яшайдиган уйини тўсатдан тинтув қилишди, ҳеч нима топилмади, ўзини туман Ички ишлар бўлимига олиб бориб "ёнини" текшириб кўришган эди, эгнидаги спорт шимининг чўнтагидан... 0,7 грамм опий гиёҳванд моддаси топилди. Пирназар терговда уни "ўзимники, ўзим истеъмол қиламан" дебди, судда эса "мени уриб-тепиб мажбурлаб ёздиришди" деди. Бироқ кейинги айтганлари инобатга ўтмади. Бунинг устига, яна икки ўртоғи ҳам бирга ҳибсга олинган эди, гўё улар биргаликда гиёҳванд моддаси истеъмол қилишган эмиш. Сўнг негадир у икки ўртоғидан "гиёҳванд модда"ни "ўчириб ташлаб", 20 килоча гуруч ўғирлаш айби билан 3-4 йил атрофида озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилди. Пирназар Маткаримов эса Боғот туман судининг 1999 йил 20 декабрдаги ҳукми билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

10 йил?! 22 ёшли йигитча қайси гуноҳи эвазига шунча йил «ўтириши» керак? У айбдор деб топилган ЎзР ЖКнинг 273-моддаси 4-қисми уйида бангихона ташкил қилган шахсларга нисбатан қўлланилади. Яъни, Пирназар икки оғайниси билан гўёки ўзининг уйидаги газхонада ўтириб опий моддаси истеъмол қилишгани бангихона ташкил этилгани эмиш. Ахир бундай айбни тасдиқловчи ҳеч қандай далилий ашё, асбоб-ускуна йўқ-ку! Тергов ва судлов материалларида гўё уч оғайни бир-бирининг уйида галма-галдан ўтиришиб гиёҳванд модда истеъмол қилгани тўғрисида гаплар бор. Бордию, воқеа шундай бўлса, нега анави икки йигитга ҳам юқоридаги модда қўлланмади? Бу саволга Ибодулла оға, "Мен уларнинг айтганини қилмадим, ҳақиқат излаб шикоят ёзавердим" дея фиғон қилади бугун. Унинг бу гапини мутлақ ҳақиқат дея таъкидлаш фикридан йироқмиз, чунки бу исботланмайдиган нарса. Лекин ҳар бир жиноят ишида бўлганидек, бу ишдаги оддий инсоний мантиқ отанинг «ўғлим беайб» дея чекаётган афғони қуруқ ҳиссиёт эмаслигини кўрсатиб турибди.

Энди мантиқни четга суриб, қонун доирасига қайтсак. Боғот туман судининг ҳукмини вилоят суди ҳайъати ўзгаришсиз қолдирди. Ота ёзиш ва юришда давом этди. Тошкент ва Хоразм ўртасидаги қатновларга йўлкира учун қарз-ҳавола кўтардиямки, тинчимади. Ниҳоят, "туйнук адоғида нур кўрингандек" бўлди: республика прокурори ўринбосарининг қабулида бўлганидан сўнг, уларнинг назорат тартибидаги протести билан вилоят суди раёсатида 2000 йилнинг 24 ноябрида иш қайтадан кўрилиб, Пирназар Маткаримовга қўйилган 273-модданинг 4-қисми шу моддани 2-қисмига қайта малакаланди ва "10 йил" "7 йил"га туширилди ҳамда амнистия қўлланиб, "5 йил" қолдирилди.

10 йиллик қамоқ жазосининг тенг ярмига камайгани фавқулодда ҳодиса дейиш мумкин, адолат бир қадар қарор топганидан дўппини осмонга отса арзийди, бироқ Ибодулла оға яна қонунни «титкилаш»дан чарчамаяпти. Гап шундаки, 273-модданинг 2-қисми гиёҳванд моддани сотишни кўзда тутади. Ота ёзади: "Хўш, ўғлим кимдан сотиб олган бу гиёҳванд моддани, кимга сотмоқчи бўлган, сотаётганида ушланганми, ушланган бўлса, сотиб олган ёки олмоқчи бўлган одам қани?" Ҳуқуқшунос бўлмаган оддий бир фуқаронинг бу мантиқий саволлари айнан Қонун талаблари тақозо этадиган ва шу саволларга жавоб бўлмаса шахсни мазкур модда билан айблаш рад этиладиган оддий нормалардир.

Яна бевосита Қонун доирасининг ичига қайтсак, энг оғир ва аянчли савол худди шу ерда туғилади: агар ота "дод-вой" қилиб ёзавермаганида, минг чақирим йўл босиб Хоразмдан Тошкентга қатнайвермаганида ва республика Бош прокурорининг ўринбосари қабулига киришга муваффақ бўлмаганида — Пирназар Маткаримовнинг зиммасидаги ҳозирги 5 йил қамоқ илгариги 10 йиллигича қолаверармиди? Албатта, қолаверарди! Демак, қонунийлик фақат талашиб-тортишиб, шикоят ва арзғўйликлар орқали рўёбга чиқадиган нарсами деган тушунча келиб чиқмаяптими бу "тарих"дан?! Мазкур ҳолатдаги қонун бузилишлари оддий фуқаро И.Маткаримовдан кўра ҳуқуқ пешволарига кўпроқ аён бўлмоғи, бундан улар кўпроқ ташвишланиши табиийроқ эмасмиди?! Нега энди бу "регулировка" Қонун посбонлари томонидан эмас, оталарнинг саъй-ҳаракати орқали амалга оширилиши керак?!

ПРОКУРОРНИ 200 МИНГГА ТУШИРГАН... КОНУН

Ёки «ёзувчи» Абрай ака

Мавжуд қонундан тўғри фойдаланиш, адолатни қарор топтириш унинг ортидан йиллаб югургангагина насиб этишига яна бир характерли мисол. Чироқчилик ўқитувчи Абрай Худойберганов туман прокуратурасига гувоҳ сифатида чақирилади. Фуқаро босим чақирувлардан сарсон бўлиб кетганини айтиб, норозиланади. «Мукофот»га уни 15 суткага "қамашади". Бу маъмурий жазонинг ғайриқонунийлигини исботлаш ва ана шу жазони бекор қилиш учун А.Худойберганов роса 2,5 йил елиб-югурди. Муҳими — ниятига эришди! Ва бу ҳақда "Халқ сўзи" газетасида "Адолат тантанаси" учун 2,5 йил керак бўлди" сарлавҳа — тагсарлавҳа билан мақола эълон қилинди. Бўпти-да, яна унга қайтишга не ҳожат, дейишингиз мумкин. Абрай ака яқинда яна таҳририятга арз билан кириб келди. У республика Бош прокурорининг протестига асосан Олий суд юқоридаги жазо бўйича туман суди қарорини бекор қилгач ва мақола эълон қилингач, собиқ туман прокуроридан регресс тартибида 178.282 сўм маънавий зарарни ундириб олибди! Қойил! Бунақаси камдан-кам бўлади. Сабаби, Абрай акалар каби ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган, адолат ва ҳақиқат учун жон-жаҳди билан курашадиган "фанат"лар кам орамизда. Бор-ку, улар ўзларини рўёбга чиқараверишмайди. Сабаби, бундайларга жамиятимизда аксарият ҳолларда "ёзувчи" деган ном берилади. Бу номни одатда ана шу ҳақиқатпарварликдан шахсий азият чекадиган маҳаллий раҳбарлар тарқатади, тарқатибгина қолмай, турли усулларда сиқувлар амалга оширилади. Энг муҳими, "ёзувчи" деган номни, айниқса қишлоқ жойларда, ўша одамнинг пешонасидаги тавқи-лаънат деб тушунилади. Бу ҳам балки кўпчиликнинг ҳуқуқий онги ўз ҳақ-ҳуқуқини англаш даражасига етмаганидан бўлса керак. Агар етган бўлганида, "ёзувчи"дан ҳадиксираш — ундан узоқроқ юриш пайидан бўлиш ўрнига уни олқишлаган ва қўллаб-қувватлаган бўлардилар. Албатта, мен бундан шахсий адоват ё манфаат учун бўлар-бўлмас ёлғону туҳматларни юқори идораларга ёзувчиларни истисно қилмоқчиман ва унақа шикоятлар изидан бориб ўша шикоят муаллифлари тўғрисида танқидий мақолалар ёзилган фактлари ҳам бўлади.

Ҳуллас, Абрай Худойберганов нима дейди? "Олий суд менга ноқонуний жазо белгилаган қонун посбонларига нисбатан Хусусий Ажрим чиқармагани учун Чироқчи туман судининг ўша вақтдаги раиси Абдураҳмон Каримов вилоят судида судья, Китоб туман судининг раиси Даврон Ашуров Чироқчи туманлараро фуқаролик судининг раиси бўлиб ишламоқдалар. Ҳолбуки улар ноқонуний қарор чиқаргани учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддаси, ЎзР ЖКнинг 230- ва 231-моддаларига кўра жиноий жавобгарликка тортилиши керак бўлгани ҳолда, жазодан четда қолиб, вазифадан вазифага кўтарилиб ғарбат топиб келишмоқда. Шулар ҳақида матбуот орқали яна бир марта аниқлик киритилган ҳолда ёритишингизни илтимос қиламан. Сохта гувоҳларга нисбатан ҳам қонуний чора белгиланишини сўрайман".

Бу талабни изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Фақат, бу талабни ўқиб туриб Қонунларимизда адолат ва ҳақиқат тантанаси учун барча етарли асос мавжудлиги яна бир карра ёдга тушади. Айни пайтда, аксарият ҳолларда бу механизм ишламаслиги, тўғриғоғи, ишлатилмаслигига гувоҳ бўламиз. Масалан, ушбу ҳодисанинг ўзини олинг: бир ўқитувчини "терговчини ҳақорат қилди" деган айб билан 15 суткага маъмурий жазолагани учун туман прокурори 200 минг сўмга яқин маънавий зарар тўласа, бу ҳам етмагандек энди иккита суд раисини жиноий жавобгар қилишни сўраса? Бир қарашда — ғайритабиийроқ туюлади, чуқурроқ, зийракроқ қарасангиз, Қонун ва Қонунийлик нуқтаи назаридан келсангиз — ғайритабиий ҳеч нима йўқ! Зеро, А. Худойберганов ўзи тўқиган нормаларга асосан эмас, Давлат Конституцияси ва Жиноят кодексида белгилаб қўйилган нормаларга асосан иш кўришни, ундаги талабларнинг бажарилишини сўраяпти, холос. Бунинг нимаси ёмон?

Фақат, агар Абрай Худойбергановга ўхшаш ҳуқуқни яхши эгаллаган фуқароларнинг шу каби ҳақли талаблари бажарилаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларимизда кадр танқислиги юз бериб қолмасмикан, деган истиҳола келади хаёлга. Шу нуқтаи-назарданми, бошқаданми, ҳайтовур, бармоқ билан санарли Оқлов ҳукмидан кейин ҳам, ноқонуний Ҳукм ва Ҳал қилув қарорларининг бошқа тарзда бекор қилинишидан кейин ҳам ўша ноқонунийликларни бегуноҳ кишиларнинг тақдирини синдириш ҳисобига амалга оширган Қонун посбонларининг жиддийроқ тарзда жазоланганги фактларини кам учратамиз. Аксарият ҳолларда "шунчаки эсдан чиқиб" қолади, ёки хайфсан билан жазоланади. Хайфсан эса, очиқ айтиш лозимки, жазо эмас, шўродан қолган хаспўшлаш найранги холос. Жабрланган бечора эса, кўпинча қутулганига шукр қилиб, "худога солдим" деб қўлини силтаб кетаверади. Гоҳ-гоҳида Абрай Худойбергановга ўхшаган савод-лум бўлишича, оператор аслида Маҳамаджон Раҳмонов эмиш, бу йигит — Садир Юсупов шунчаки ёрдамлашиб юрармиш. Демак, у мазкур корхонада ҳисобда ҳам йўқ, мутлақо бегона, лекин бензин қуйиш пультини бемалол бошқараверади, яъни, ишлайди. Ҳисобда йўқлигининг эса турли сабаблари бор...

Бензин савдосида қачон тартиб ўрнатилади?

Агар мақолани ўқиб тегишли идоралар мазкур АЕҚШнию, бензинчилар мабодо "ёлғон ёзилган" дейдиган бўлса, ёлғонмаслигини тасдиқловчи ҳужжат таҳририятда бор.

ШАРТНОМА МАЙНАБОЗЧИЛИК ЭМАС

Ёки 694 бош қорамолни бир киши ютиб юбора оладими?..

Одамлар ўз атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларни, тараққиётни, ижтимоий ва маънавий ҳаётимизда рўй бераётган ислоҳотларни кўриб-билиб, яхшисидан қувониб, ёмонидан куйинишни ҳам билади. "Бутун бир колхознинг 700 бош қорамолини бир киши еб юборса ҳам ҳеч ким унга индамайдими, — деб куйинди хат ёзибди Қибрай туманидаги "Маданият" жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси А. Тошхўжаев. — "Халқ сўзи" газетасида бу ҳақда фельетон чиқсаям, биров унинг мушугини "пишт" демаса-я".

Ҳа, бор гап бу. "Халқ сўзи"нинг ўтган йил 23 июнь сонида "694 бош қорамол... йўқ" лекин ҳеч ким жавобгар эмас" сарлавҳали мақолада шу масала кўтарилган эди, вилоят прокуратурасидан "ҳаммаси қонуний, жиноят аломатлари йўқ" деган мазмунда, вилоят ҳокимлигидан эса бундан-да юзаки жавоб келди. Мен ҳам гарчи қонун бузилишлар бўлмаганлигини кўриб-билиб турсам-да, ўша оддий бир меҳнат фахрийсига ўхшаб "Наҳотки бутун бир жамоа хўжалигининг 694 бош сигир-бузоғи беш йилда бутунлай йўқ бўлиб кетса-ю, уни хусусийлаштириб сотиб олган ва "еб" юборган фермер ёки бошқа биров жавобгар бўлмаса!" деб шикоят ёзгим келади. Агар жамоа хўжалиги билан хусусийлаштириб сотиб олувчи фермер ўртасида 1995 йилда 10 йилга тузилган шартнома қонуний ҳужжат эмас, унга амал қилмаслик жиноий жавобгарликка асос бўлмайди деб қаралса, шундай — жавобгарлик йўқ. Агар, йўқ, шартнома ҳам қонуний ҳужжат, унга амал қилиш унинг бандларини бажариш шарт дейиладиган бўлса — мақолага йўлланган иккала жавоб ҳам ноқонуний. Чунки 1995 йилда жамоа хўжалигининг чорва фермаси иссиқхона мудири Эркин Норимовга 694 бош қорамоли, 3-4 та молхона ва трактору юк машиналари билан ўша вақтдаги 6 та сигирнинг пулига сотилиб хусусийлаштираётганда жамоа хўжалиги билан Э. Норимов ўртасида 10 йилга шартнома тузилган. Унда, жумладан, Э. Норимов 10 йил мобайнида сигирлар зотини мунтазам яхшилаб бориш ва бош сонини камайтирмаслик мажбуриятини олган ва унга шу мажбурият юкланган. Лекин орадан 5 йил ўтиб у моллардан биттаси ҳам йўқ. Йўқ, вассалом! Ва бу — қонуний эмиш. Яъни, сотиб олган, хусусий, нима қилса — ўзи билади, деган мазмунда. Атрофдаги одамлар, халқ ҳайрон: "Наҳотки?! Нималар бўляпти ўзи, бу чорва асли халқники эди, ўттизинчи йилларда одамларнинг хусусий сигир-бузоқларини йиғиб бунёдга келган ферма эди, 60 йил жамоа хўжалигига даромад келтирди — шу одамларнинг ўзини боқди, бугун уни бир киши ютиб юборармиш-да, бу — қонуний эмиш, қанақа қонун бу?!"

Мен эса агар шаккоклик бўлса Аллоҳ кечирсину, "694 бош қорамолни бир киши еса аллақачон ёрилиб кетарди, бир ўзи эмас" дегим келади...

АДЛИЯНИНГ ХАЙРЛИ ИШИ

Ёки фермерни синдириш механизми

Ўтиш даврининг қизиқларидан яна бир йирик мавзу, ариза-шикоятлар кўп келаётган соҳа — тадбиркорлар, фермерлар билан ҳокимият органлари ўртасидаги келишмовчилик, ziддият, керак бўлса, пинҳона жанг деб атаган бўлардим. Бу борада Адлия вазирлиги, айтиш жоизки, инқилобий саъй-ҳаракатларни бажаримоқда ва бу кўп ижобий самара бераяпти. Хусусан, замирида фақат қандайдир манфаат яширинган текшир-текширларнинг кескин камайгани ҳар қанча тахсинга сазовор ҳодисадир. Бу йўлда айниқса "Текширувчилар китоби"нинг жорий этилиб тарқатилгани катта роль ўйнади, яхши ўйланган тадбир бўлди. Адлиянинг вилоят бошқармалари ҳуқуқи топталган тадбиркорнинг ҳуқуқини суд орқали тиклашга таъсир кўрсатиши ҳам тараққиётга катта таянч бўлмоқда. Айни пайтда, баъзан баъзи жойларда бу ишга панжа орасидан қараш ҳоллари ҳам кузатилмоқда ёки тазйиқ ва чиқиштирмасликларнинг бошқа янги усуллари ишга солинаяпти. Шунингдек, бу борада пойтахт вилоят ҳокимлигининг матбуот чиқишларига беписанд ва юзаки жавоблари, баъзан эса мутлақо жавоб бермасликлари кўп кузатилмоқда. Шунинг учунми, бошқа сабаблар борми, ҳайтовур, иқтисодиёт соҳасида мазкур вилоятдан шикоят ва аризалар нисбатан кўпроқ ҳам. Навбатдаги иккита шикоят бунга жонли мисол: "Бизнинг фермер хўжалигимиз 1996 йил 13 мартда туман ҳокимининг қарори билан ташкил этилган. Шартнома асосида 10 йилга 102 гектар ер ажратилган. 1996 йилда 102 гектарнинг ҳаммасига пахта экиб, йиллик шартномавий режани туманда учинчи бўлиб бажардим. 1997 йилда ҳам 50 гектар пахта, 52 гектар буғдой экиб шартномани ортиғи билан уддаладим. 1998 йилда 45 гектар пахта, 50 гектар буғдой, 7 гектарга сабзавот экиб, шартномани бажардим. 1999 йилда ҳам шу миқдорда деҳқончилик қилиб режани уддаладим. Шу йиллар давомида фермер хўжалигимизга 2 та МТЗ-80, 1 та Т-40, 1 та К-700-1А тракторлари ва КАМАЗ машинаси, 3 та прицеп, буғдой экиш сеялкаси, пахта чопиқ агрегати, 7 корпусли плуг сотиб олдим. 2000 йили 45 гектарга пахта, 40 гектар буғдой, 10 гектарга шоли ва 7 гектар ерга сабзавотчилик маҳсулотлари экдим. Буғдой бўйича шартномавий режани 101 фоизга бажардим, пахтани эса ишчи кучи етарли бўлмагани учун вақтида териб топшира олмадим. Ишчи кучидан ёрдам сўраб туман ҳокимлигига мурожаат қилган эдим, "эккан бўлсанг териб ол" деган жавобни олдим. Тошкент вилоят прокуратурасининг ҳамда "Инсон ва қонун" кўрсатувининг журналисти аралашиши туфайли теришга 1 ноябрда ишчи кучидан ёрдам беришди. Натижада биринчи терим пахта икки ой терилмасдан қор-ёмғир остида қолиб, 4-5 сортларга тушиб қолди, режа 57 фоизда қолиб кетди.

Бу йил баҳорда туман ҳокимлиги бизнинг фермер хўжалигимизни 48 гектар ерини олиб қўйиш тўғрисида қарор чиқарибди. Сабаби, шоли ҳосилини топширмаганим экан. Лекин шолимни тайёрлов идораси сифати талабга жавоб бермайди деб олмасдан қайтаргани ҳақида ҳужжатим бор. Бунга туман фермерлар уюшмаси раиси И. Мирзаев шахсан гувоҳ.

Мен 102 гектар ерга хараждат қилиб, давлатдан ҳеч қандай пул олмасдан пахта, шоли, буғдой экканман. Пахта заводи, дон қабул қилиш пункти билан шартнома тузганман. Бизга туман ҳокимлиги томонидан ноқонуний тазйиқ ўтказилмоқда. Ёрдам беринг. Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани "Ийк ота" ширкат хўжалигида жойлашган "Илҳомбек" фермер хўжалигининг раиси Акром Зикиряев".

Акром аканинг ўттизинчи йиллардаги колхоз идорасини эслатувчи кабинетида ўтириб, таҳририятга қолдириб кетган юқоридаги гаплари ҳаммаси тўғрилигига қўшимча ҳужжатлар орқали ишондик. Кўрсатув кассетасини ҳам олиб қўйибди. Хатга қўшимча шуки, кўрсатув бошига бало бўлибди. Текшир-текшир бошланибди. Ерни ўлчаб, "кам чиқди" дейишибди. Яна вилоят прокуратурасига борибди, кўрсатувда чиққан Ўринбой деган йигит "текшираверсин" дебди. У айтгандек, ҳеч нима бўлмабди-ю, сўнг барибир ернинг 48 гектарини олиб қўйиш тўғрисида ҳоким қарори пайдо бўлиб қолибди.

Битта фермернинг қўлида бугун шунча техникаси бор. Йўқ жойдан бор қилиб ўтирибди. Ташландиқ, ажриқзор ерларни унумдор майдонларга айлантириб, ҳосил олаяпти. Энди бульдозер ва экскаватор сотиб олишни мўлжаллаяпти. Ер зах, бу аҳволда пахта яхши битмайди, ёрдам сўраб борса — бефойда, экскаватор сотиб олиб, зовур қазиб, ернинг захини қочиришни ўйлаяпти. Яна қизиққи, ўзининг туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалигининг 80 гектар ерини, Қуйи Чирчиқ туманидаги "Гулистон" жамоа хўжалигининг 180 гектар ерини ҳайдаб, мола бостириб берибди. Албатта, текинга эмас, 160 минг ва 375 минг сўмга шартнома тузишган. Ҳали иккаласиям пулни ўтказмади, пули йўқ-да, нима қилсин бечоралар, дейди фермер.

Қизиқ, жамоа хўжаликларининг аҳволи бу, ўзи талашибтирмашиб қаддини тиклаётган ва жамоа хўжаликларига ёрдам ҳам бериш даражасига келган фермерни жилла қуриса икки оғиз илиқ гап билан қўллаб-қувватлаш ўрнига дўқпўписа, ерни тортиб олиш важларини излаш...

Акром аканинг ҳузуридан чиқиб, туман ҳокими Алишер Гаффоровнинг қабулида бўлдим. Эски танишлар эканмиз, узоқ суҳбатлашдик. Алишер ака фермерларга нисбатан "маълумот бермайди, чақирсанг келмайди" деган гапни кўп такрорлади. "Илҳомбек" билан бирга яна 30-40 та фермер хўжалигини асосан "маълумот бермаган" важига кўра тугатиш ҳақидаги қарорнинг нусхасини боя Акром акадан олган эдим.

— Бўлди, ерини олмайдиган бўлдик, — деди ҳоким. — Адлия вазирлигидан айтишди: Фермерлар тўғрисидаги Қонуннинг 12-боби, 7-бандига шу йил 20 январда янги ўзгартиш киритилибди, унда фермернинг ерини фақат икки томоннинг келишуви ёки суд орқали олиш мумкин экан.

Қизиқ, туман ҳокимининг "Фермер хўжаликларининг ер участкасига бўлган ҳуқуқини бекор қилиш тўғрисида"ги Қарори эса 2001 йил 9 апрелда чиққан. Туман ҳокими Фермерлар тўғрисидаги Қонунни ва унга киритилган ўзгартишларни билмаса, бунга ким айбдор, Олий Мажлис ёки Адлия вазирлиги туман ҳокимларига ҳисобот бериб бориши керакми ё?

Ҳокимликда фермер А. Зикиряев бўйича тўпланган алоҳида папкадаги бир ҳужжат "вилоят ҳокими У. М. Мирзақуловга. Сизнинг топшириғингизга биноан бир гуруҳ мутахассислар "Илҳомбек" фермер хўжалиги фаолиятини ўрганиб чиқдилар" деб бошланади. Бунда фермер 2000 йилда 9,4 гектар майдонга эккан шоли ҳисоботда кўрсатилмагани қайд қилинган. Бу яхшимас, албатта.

— Бу жиноят, — дейди туман ҳокими.

— Нега ҳуқуқ органларига топширмадингиз?

— Бошқалар ҳам қамалиб кетади, мен буни истамайман.

Бу савол-жавобни изоҳламай қўяқолайлик...

Муҳими, Қонун яна фермерни ҳимоя қилибди — ери тортиб олинмайдиган, ҳокимнинг қарори архивга ёки қутига ташланадиган бўлибди...

УЧ БОР ИШГА ТИКЛАНИШ

Ёки нотариус Матлубанинг тўртинчи бор ишдан бўшатилиши

Таҳририятга келган яна бир шикоят бирмунча мураккаб: 1997 йилда вазифасидан бўшатилган Тошкент вилояти Янгиобод шаҳар 2-нотариал идора нотариуси Матлуба Шарипова уч йилдан бери "ноҳақ ишдан бўшатишди" деб идорама-идора юрибди. Мураккаблиги шундаки, вилоят Адлия бошқармасининг уни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруғидаги хато ва камчиликларни тугатишни талаб қилиб, Адлия вазирлиги бир неча марта хат юборди. Қизиғи, вазирликка буйсунадиган бошқарма бунга қулоқ солмади, талабларни бажармади. Хусусан, "Шуни таъкидлашга тўғри келаяптики, нотариус М. Шарипованинг ишдан бўшатилиш ҳолатига Адлия вазирлиги ўзининг аввалги хатларида (1998, 8.05, 1998, 17.02) ҳуқуқий баҳо берган, яъни у билан меҳнат шартномаси Меҳнат қонунчилигининг қатор нормалари бузилган ҳолда бекор қилинганини эътироф этган. Шунинг учун Адлия бошқармаси ўз ҳаракатининг қонунийлиги тўғрисида такроран тушунтириш беришига зарурат йўқлигини эслатиб ўтамиз.

М. Шариповага нисбатан олиб борилаётган тергов ҳаракатлари тўғрисида шуни маълум қиламизки, Тошкент вилояти прокуратураси ўзининг 1998 йил 28-августдаги 15-4-98 рақамли хати билан вазирликка М. Шарипованинг ҳаракатида жиноят таркиби бўлмагани туфайли унга нисбатан жиноят иши бекор қилинганини маълум қилган.

Юқоридагиларга асосан Тошкент вилояти Адлия бошқармаси раҳбарияти вазирлик кўрсатмасини бажаришдан бош тортаётганини эслатиб, вазирликнинг 1998 йил 8-майдаги 07-111-2314 рақамли хатининг ижросини таъминлашингизни ва натижалари ҳақида зудлик билан вазирликни хабардор қилишингизни сўраймиз.

Вазир муовини М. Жалилов".

Бу 1998 йил 2 октябрда ёзилган хат. Бундан ташқари Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг Адлия бошқармасига йўллаган хатида ҳам М.Шариповани ишдан бўшатишдаги қатор ноқонуний хатти-ҳаракатлар кўрсатилган. Булар ҳам бажарилмаган. Бу орада М.Шарипова ишга тиклаш ҳақидаги даъво-аризаси билан судга мурожаат қилди ва суд ҳам унинг фойдасига ҳал бўлмади.

М.Шарипова 1987 йилдан буён, 10 йил мобайнида нотариус бўлиб ишлаган ва илгари уч маротаба ишдан бўшатилиб, ноқонуний бўлгани учун яна ишига тикланган. Бу — тўртинчиси.

— Оғзим ботирроқ, — дейди Матлуба "нега?" деган саволга жавобан, — ноҳақликни кўрсам гапириб юбораверaман. Охирги кетишимдан олдинроқ рус тилида ўтган бир йиғилишдан сўнг радиомухбир менга микрофонни тутди, "айрим ўзбек раҳбарларимиз ўзбек тилида ёзолмайди" деб юборган эканман — эфирга кетди...

Прокуратура бир фирма фаолияти бўйича жиноят иши қўзғатиб, унинг ҳужжатларини тасдиқлашда нотариус М. Шарипованинг айби бор-йўқлиги ҳали прокуратура томонидан хулоса қилинмасидан туриб, "мана баҳона топилди!" дегандек у яна ишдан бўшатилди. Ҳолбуки, буйруқ чиққанда у касалхонада ётган, ишламаётган эди. Вазирликнинг кўрсатмасида эса бу айби (кейин исботланмаган айб — Ҳ.О.) учун фақат нотариуслик лицензиясидан маҳрум қилиш мумкинлиги, ишдан бўшатилган тақдирда ҳам бошқа иш таклиф қилиниши зарурлиги уқтирилган. Булар ҳам бажарилмади. Ҳуллас, вазирликнинг кўрсатмасига амал қилмаган, уни бажармаган бошқарма бу масалада ҳамон "меники тўғри" деб оёғини тираб турибди. Раҳбар ташкилотининг кўрсатмасини бажармаслик учун қанақа "бақувват қўллар" уни суяб турганини эса номаълум...

НАЖОТ — ҚОНУНДА!

Қонунининг ишлашида!

Қонунларимиз ҳуқуқшуносларни адолатни эгишга ўқитмайди, ўргатмайди. Буёқда эса Президентимиз 5-6 йилдан бери бир гапни турли йиғин ва минбарларда бот-бот такрорлаб, уқтириб келмоқда: барака топкурлар, айблануви одамнинг жамиятга хавфли жиноятчи бўлмаса бекордан-бекорга қамайверманглар, маъмурий, иқтисодий жазо чоралари билан кифоялиниш мумкин! Ислом Абдуғаниевич Каримов бу гапни куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг 2-чақириқ 5-сессиясида яна бир бор такрорлагани бежиз эмас, чунки юқоридагига ўхшаш фактлар ҳамон учраб турибди.

Буни тугатиш учун жойларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ҳокимлар ва бозорлар йўриғига юравермасдан жамиятимизда Қонун устуворлигини таъминлаш, Қонуннинг инсонпарварлик тамойилларини амалда кенгроқ қўллаш устида кўпроқ ўйлашса, тор идора манфаатларидан ташқарига чиқиб Мамлакат тараққиёти, Миллат камоли, ниҳоят, ҳуқуқий-демократик давлат қурилишига кўпроқ ҳисса қўшиш тўғрисида ҳам мулоҳаза юритишса нур устига нур ва бугунги ҳамда келажак авлод олдида юзлари ёруғ бўларди.

Бу нарса айни пайтда турли идораларга, жумладан таҳририятга ҳам келаётган шикоятлар оқимининг камайишига таъсир кўрсатади. Ҳар бир шикоят ортида эса Инсон тақдири турибди...

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ,
журналист-ҳуқуқшунос.

GLOBUS international life

Дараклар

ЧИЛИ ЯНА 5 ҚАМОҚХОНА ҚУРМОҚДА

Чилининг шимолидаги қамоқхоналарнинг бирида 26 маҳбус ёнғин қурбони бўлганидан сўнг, мамлакат президенти Рикардо Лагос қамоқхона тизимини кенгайтиришга қарор қилди. Ўтган якшанба куни маҳбуслар бошлаган ёнғинда қулфланган ётоқхоналардан қоча олмаган қурбонларнинг кўпчилиги ёниб кетган ва тутунда бўғилган. Чилида 34 минг маҳбус 104 қамоқхонада бўлиб, қамоқхоналар сони яна бештага кўпаяди.

Буш Далай Ламани қабул қилади

Бугун АҚШ президенти Жорж Буш таниқли Тибет руҳонийлари бошлиғи ва Нобель мукофоти совриндори Далай Лама билан Оқ Саройда шахсий суҳбатлашади. Кеча Тибетдан ҳайдалган руҳоний АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл билан учрашди. Хитой давлати АҚШ озод Тибет учун курашаётган Далай Лама ҳаракатини қўллаб-қувватлашидан норози. Миллий хавфсизлик спикерининг айтишича, Президент Буш Далай Лама билан Хитой ва Тибет ўртасидаги музокараларни йўлга қўйиш ҳақида суҳбатлашади. Тибет Хитой ҳокимлигига қарши 1959 йили омадсиз қўзғолондан сўнг, Далай Лама Ҳиндистонга қочган.

Шарқий Европада одам савдоси

Руминия пойтахти Бухарестда 12 Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ички ишлари вазирлари йиғилишида АҚШ Федерал тергов бюроси директори Луис Фри Шарқий Европа бошлиқларини Ғарбга одам олиб ўтиш ва сотишга қарши курашишга чақирди.

Фоҳишабозлик учун аёллар ва болалар савдо-сотиғи кенг ривожланган, аммо кўплаб давлатларда бу жиноят ҳисобланмайди.

Қулликка қаратилган кенгаш

АҚШ ва Европа мамлакатлари ҳамда Африка давлатлари ўртасидаги баҳслар туфайли, август ва сентябрь ойларида Жанубий Африканинг Дурбан шаҳрида ирқчиликка қарши БМТ ўтказаётган конференцияга тайёргарликни сусайтирмоқда. Африка блокини олиб борувчи Жанубий Африка давлати конференцияда қулликни "инсониятга қарши жиноят" деб атамоқчи. Аммо Буюк Британия, Испания ва Португалия бундай тушунчани қўллашга қарши чиқмоқда. БМТ Инсон Ҳуқуқлари бўйича бошлиғи мамлакатларни келишишга чақирмоқда.

Ҳиндистон бизнес делегацияси Покистонда

Сиёсий ва спорт алоқалари тўхтатилган бир пайтда, Ҳиндистон бизнес делегацияси давлатлараро савдо муносабатларини ривожлантириш учун Покистонга уч кунлик ташрифи билан келади. Делегацияни Ҳиндистон коммерция ва индустрия бўлимлари бошлиғи Чираю Амин бошқаради. Ҳиндистон ишбилармонлари Покистон ҳамкорлари билан фармацевтика, енгил саноат машина техникалари, автомобиль ишлаб чиқариш соҳаларида қўшма корхоналар барпо қилмоқчи ва ўзларининг валюталарида савдо-сотиқни олиб бормоқчи. Бизнес алоқа сиёсат даражасига кўтарилиб, давлатлараро сиёсий муносабатларни йўлга қўйиши кутилмоқда.

Поёнсиз йўллар

Таҳлил

ҲАЁТИЙ СИЁСАТ САМАРАЛАРИ

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ

Сайфиддин ЖЎРАЕВ

Ўзбекистонда президентлик институти татбиқ этилгандан сўнг мамлакат қайси йўлдан боради, унинг келажаги қандай бўлади, мустақиллик қандай таъминланади каби миллат тақдирини ҳал қиладиган саволларга жавоб бериш давлат раҳбари сиёсий фаолиятининг асосий вазифасига айлана борди. Бошқача айтадиган бўлсак, мамлакатнинг стратегик вазифаларига қандай воситалар ва усуллар билан эришишни аниқлаш зарурати туғилди. Бунинг учун вазиятни тўғри баҳолаб, сиёсий фаолият юргизиш керак эди. Энг асосийси, юқоридагиларга эришишнинг тайёр рецепти йўқ ва ҳеч ким бермасди ҳам. Ана шундай шароитда Президент И.Каримов мамлакат мустақиллигини ва унинг кейинги тараққиётини таъминлаш учун барқарор ривожланиш концепциясини ишлаб чиқди ва амалга ошира бошлади. Бугунги 10 йиллик тараққиёт шуни кўрсатяптики, тараққиётнинг бу концепцияси орқали биз ўз мақсадимиз томон дадил одимлаб бормоқдамиз. Бундан ташқари бу концепция МДҲ учун ўзига хос моделга айланди, бошқача айтадиган бўлсак, жаҳон тараққиётининг маҳсулига айланди. Табиийки, бу концепциянинг асосий ғояларини, эришган ютуқларини тушунишга, билишга ҳаракат катта. Иккинчи томондан мамлакат сиёсий жараёнларидаги воқеалар ривожини белгилаб берувчи асосий бўғинлардан (турткилардан) биридир. Шунинг учун биз ушбу барқарор тараққиёт ғоясининг қандай амалга оширилганини, нима учун И.Каримов ўз сиёсатида барқарорлик ва тараққиётга эътибор берганлигини таҳлил қиламиз. Зеро, ана шу барқарорлик ва тараққиёт мамлакат ички сиёсатининг етакчи ҳаракатлантирувчи кучига айланди.

Бугун биз янгича сиёсий тафаккур шаклланаётган, сиёсий бошқарувнинг янги шакли вужудга келаётган даврни бошдан кечирмоқдамиз. Ўзбекистон жамияти туғилиб келаётган демократиянинг тимсолига айланадими, йўқми - бу қадимий халқимизнинг тарихий анъаналарини ҳамда Шарқ ва Ғарбнинг, Жануб ва Шимолнинг етакчи мамлакатлари тўплаган тажрибани акс эттирувчи ўз тараққиёт йўлимизнинг қай даражада изчиллик билан амалга оширилишига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Истиқлолни қўлга киритиш ҳамиша илгари дуч келинмаган ва шу боисдан тезроқ бартараф этишга тайёр бўлмаган қийинчиликлар билан бирга боради. Мустақиллик деярли ҳамиша қийин кечади. Илгари Европа, Америка ёки Узоқ Шарқ кучли давлатларининг мустамлакалари бўлган учинчи мамлакатларнинг яқин-яқиндаги тараққиёт тарихи шуни кўрсатадики, мустақиллик ғалаба қувончидан ташқари, узоққа чўзиладиган ички ва фуқаролик урушларини келтириб чиқарди, турли кутилмаган қийинчиликларни келтириб чиқардики, улардан қонунлар, санкциялар, революциялар ва урушлар ёрдамида қутулиш мушкулдир.

Собиқ СССРнинг тарқалиш тарихи бу ҳақиқатни тасдиқлади. Ҳамма республикалар ҳам ўз озодлигини эплай олди деб бўлмайди. Баъзи республикалар учун озодлик урушдан бошланган бўлса, бошқалари учун эса уруш ўз халқининг тафаккурида бошланди, натижада бу республикаларнинг тинч, суверен ҳаёти СССРнинг урушдан кейинги тарихини эслата бошлади, айрим республикалар учун эса мустақил тараққиёт йўлини ахтариш, бойроқ ва маънавий жиҳатдан яқинроқ бўлган янги хўжайинлар излашга олиб келди.

Ўзбекистон ўз йўлидан — соғлом фикрлаш, барқарор тараққиёт ва маънавий тикланиш йўлидан борди. Мана шу устивор йўналишлар бир бўлиб, ўз навбатида, иқтисодиётни босқичма-босқич ислоҳ қилиш заруриятига олиб келди. Натижада мустақилликка эришилгандан бери ўтган 10 йил ҳақиқатда Ўзбекистон халқлари учун миллий тикланишнинг бошланғич даври бўлди. Бугунги кунда бу даврни "ислоҳотларнинг биринчи босқичи" деб аташимиз мумкин. Бу босқичда ташкилий-ҳуқуқий ўзгаришлар амалга оширилди, ҳокимият ва бошқарувнинг мутлақо янги ҳуқуқий ва сиёсий институтлари шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикасида сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг мавжуд бўлиб турганлиги объектив ва субъектив омилларнинг шунчаки мос келиб қолганлиги натижаси эмас, балки бу аввал-бошданоқ давлатимизнинг биринчи Президенти томонидан ишлаб чиқилган ҳаракат дастурида асос солинган барқарор тараққиёт стратегияси натижасидир.

Хўш, нима учун айнан барқарор тараққиёт устивор асос бўлди? Янги давлат тузилмаларининг яшашга лаёқатлилиги ҳам барқарорликка боғлиқдир. Ўзбекистон жамиятининг ривожланиш мантиқини яхшироқ тушуниб етмоқ учун миллий давлатчилигимиз шаклланган дастлабки **ҳолатни тадқиқ қилмоқ зарур.**

Агар Ўзбекистон тараққиётининг бошланғич босқичида барқарорлаштириш сиёсати биринчи ўринга қўйилганлиги сабабларини қараб чиқадиган бўлсак, булар, **бир томондан,** «социалистик» жамият парчаланиб кетганлиги оқибатларини бартараф этиш зарурияти бўлса, **иккинчи томондан,** миллий тикланиш ва миллий онгни шакллантириш дастури амалга ошириладиган шароит эди. Чунки, фақат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик шароитидагина бирон-бир режани амалга ошириш, ислоҳотлар ўтказиш мумкин бўлади. Президентимизнинг: "Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузмаслик керак" деган сўзларининг ислоҳотларнинг бошида асосий шиор қилиб олинганлиги тасодифий эмас.

Бу қоидада тараққиёт стратегиясининг асосий мазмуни ўз ифодасини топган. Эски уй тимсолида Ўзбекистоннинг истиқлол сари тутган йўли бошланган яқин ўтмиш назарда тутилди. Бу шиорнинг мақсади эса ўйламай-нетмай эскини бузиб ташлаш, шунингдек, воқеаларни ҳар қандай жадаллаштириб юбориш муқаррар равишда беқарорликка олиб келишига, шоша-пиша қабул қилинган қарорлар ва масъулиятни ҳис этмаган ҳолда илгарилаб кетишлар ҳалокатли эканлигига кишиларни ишонтиришдир.

Собиқ СССРнинг инқирозига, унинг аввал-бошданоқ нотўғри йўлдан ривожланиб борганлиги сабаб бўлди. Тоталитар ҳокимият тизимининг номукаммаллиги мафкуравий тизимларга, давлат аппаратига, бошқарувга ҳаддан ортиқ таянишда, жамият ва унинг кичик тизимлари эволюцион тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий қонунларини менсимасликда кўринди. Оқибатда инқирозга юз тутган мафкура СССР халқларини жипслаштирувчи ядро бўлмай қолди. Чириган бошқарув аппарати ижтимоий тизим ва иқтисодиётни ривожлантиришни уддалай олмай қолди.

Бундан ташқари, хусусий мулкчиликнинг мавҳум социалистик-мулкчилик билан алмаштирилиши натижасида меҳнатни рағбатлантириш тизими қадрсизланиб кетган эди. Ижтимоий-сиёсий фаолликни рағбатлантириш тизимининг қадрсизланишига эса фуқаролик позициясида туриш ўрнига муросасозлик йўлини тутиб ҳокимиятдан бегоналашув сабаб бўлди. Ниҳоят, энг муҳими; мафкуранинг обрўсизланиши ва боши берк кўчага кириб қолган иқтисодиёт билан бир вақтда ҳокимият тизимининг ўзи таназзулга юз тутди. Буларнинг ҳаммаси биргаликда бузувчи тамойилларнинг ривожланиши учун қулай замин яратиб берди. Ўз навбатида, тоталитаризмнинг заифлашуви коммунистик мафкура "равнақ топган" даврида авж олган интернационализмни тарғиб қилиш ва террор орқасида бўғиб ташланган миллий ўзўзини англашнинг ўсишига сабаб бўлди. Мустақиллик йўлидаги ҳаракат СССРнинг давлат сифатида узил-кесил йўқ қилинишига олиб келди.

Собиқ СССРнинг емирилишида унинг ўзи келтириб чиқарган зиддиятлар анча-мунча роль ўйнади, чунки уларни ижобий ҳал қилишга ҳаракат қилинмади. Бу зиддиятларни тақиқлашлар, цензуралар ва бошқа зўравонлик усуллари билан салбий ҳал қилишлар эса структуравий-функционал алоқаларнинг яна ҳам кўпроқ қотиб қолишига олиб келди, бунинг оқибатида қайта қуриш давридаги ҳар қандай ўзгартиришлар осонлик билан чукур бузилишларга сабаб бўлди.

Сиёсий реализм туйғусининг кучлилиги Президент Каримовни бошқалардан ажратиб турадиган муҳим хусусиятдир. Сиёсатшунослар у кишини "прагматик" деб бекорга айтишмаган. Умуман прагматизм шундан иборатки, "ғоялар" мустақил аҳамиятга ва қимматга эгалиги жиҳатидан эмас, балки фақат инсоннинг кундалик фаолиятидаги бир восита сифатида канчалик фойдалилиги жиҳатидан кўриб чиқилади. Сиёсий прагматизм сиёсий идеализмга зиддир. Масалан, идеалист-сиёсатчи ўзи танлаган ғоя инқирозга учраган тақдирда нима қилган бўлар эди? Қайсарлигининг нархи қимматга тушишига қарамасдан уни ҳимоя қилади. Прагматик эса ана шундай вазиятда эскирган ва яроқсиз ғоядан воз кечади.

Шундай қилиб, президентлик ҳокимияти ваколатлари декабрь ойида қонуний тус олган Ислом Каримов республика ўн йиллар мобайнида собиқ СССР таркибида бўлган вақтларда карор топган реалликларга таянишга мажбур эди.Улар эса қуйидагилардан иборат:

— республика ишлаб чиқариш ва истеъмол қилинадиган маҳсулотларнинг 60 фоизини ташқаридан олиб келади ва моҳиятан мамлакат ғарбий қисмининг хом ашё базаси ҳисобланади. Шу сабабли иқтисодиёт бир томонлама ривожланиб, доимо бюджетдан дотация олиб келинган,миллий даромад ва аҳолининг кун кечириши паст даражада бўлган;

— аҳолининг катта қисмини қишлоқда яшовчилар ташкил қилади (бунда уларнинг асосий кўпчилиги тубжой-ўзбек аҳолиси);

— ислом, ўн йиллар мобайнидаги большевистик таъқибларга қарамасдан 1985 йилдан кейин республикада тез куч тўплай бошлади, у нафақат КПССнинг инқирози туфайли вужудга келган маънавий бўшлиқларни тўлдиришга, балки ўзини муҳим ижтимоий-сиёсий куч сифатида намоён қилишга интилаётган эди;

— геополитик вазиятнинг ўзгариши натижасида собиқ СССР ўрнида вужудга келган бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилаётган кучлар, бошқача айтадиган бўлсак, Ўзбекистонни ўз таъсирига тортишга, ўзларининг мамлакатларига хизмат қилдиришга бош кўтара бошладилар;

— дастлабки вақтларда мустақилликнинг тўлиқ моҳиятини тушуниб етмаган, айниқса, собиқ империяни қўлловчилар ҳам анчагина эди. Бу кучлар жамоатчиликка анча-мунча таъсир қилиши мумкин эди.

Шу вақт билан бирга, мазкур муаммолар устма-уст юзага келадиган бўлса,ижтимоий портлаш хавфи бир неча марта кучайиб кетади. Бунга кишиларнинг кайфиятини хам қўшмоқ керак. Фақат оз сонли кишиларгина истиқлолнинг аҳамиятини бирдай тушуниб етдилар.

Қўзиқориндек ўсиб чиққан турли хил ғоялар, қарашлар ва сиёсий концепцияларни эслаб кўрайлик, ҳатто касб-кори ва бошқа манфаатлари сиёсий амалиётдан йироқ бўлган кимсалар хам уларни баён эта бошладилар. Жиловсиз сиёсий эҳтирослар, ёш мустақил давлат шаклланишидаги объектив қийинчиликлар миллатларни жипслаштириш ғояси таъсир эта бошлади. «Мухолиф»лар дезинтеграция жараёнини тўхтатиб қолиш ўрнига сепаратистик майлларнинг кучайишига кўмаклашдилар, шундоқ ҳам мўртлашиб қолган миллатлараро муносабатларни беқарорлаштириб юборишга ҳаракат қилдилар.

Ушбу омилларнинг уйғунлашуви республикада ўта мураккаб ўзига хос вазиятни вужудга келтирди. Шунинг учун ҳам, барқарорликни таъминлаш орқали ривожланишга, мустақилликка эришиш мумкинлигини Ислом Каримов ўша даврнинг бошқа сиёсатчиларидан кўра олдинроқ пайқаб олди ва ўз сиёсатида қўллай бошлади.

Шу сабабли Президент Каримовнинг, бинобарин, бошқа ҳар бир сиёсатчининг фаолиятини иқтисодий ислоҳотларнинг радикаллиги билан эмас, балки вазиятни "эгаллай олиш", уни ҳушёр баҳолаш ва шу баҳога мувофиқ оқилона ҳаракат қила билиш маҳорати билан баҳолаш керак.

Инсоният ташқилотининг тарихи шуни кўрсатдики, ижтимоий тизимлар жуда мураккаб ва улар тараққиётини олдиндан айтиб бўлмайди, улар ўз ҳолатига кўра барқарор ва беқарор, яъни тенг-баравар ва мувозанатини йўқотган тизимлар бўлиб, бир-бири билан алмашиб туради. Мувозанатини йўқотган тизимда уни ташкил этган ички кучлар билан унга ташқаридан таъсир этувчи ташқи кучлар ўртасидаги мувозанат бузилган бўлади.

Беқарор ижтимоий тизим - тартибсиз жараён бўлиб, унда тизим ичида қайта тузилиш ва ташқи кучларнинг қайтадан жойлашуви содир бўлади. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан бир вақтда ўзининг собиқ марказга боғлиқ бўлмаган давлат ва бошқа ижтимоий институтлари тизимининг ривожланиши учун янги шароит яратишга киришди.

Аниқ фанлар тили билан айтганда, Ўзбекистон тараққиётнинг янги динамик жўшқин йўлига ўтди. Табиийки, сиёсий ва иқтисодий тартиботнинг янги ўтиш йўли турли-туман қийинчиликлардан холи бўлди. Булар, бир томондан Ўзбекистонга тоталитар жамият таназзулидан мерос қолган бўлса, иккинчи томондан, замонавийлашаётган ижтимоий тизимнинг янги шароитлари келтириб чиқарган қийинчиликлардир.

Фуқаролар тотувлигини сақлаб қолиш масаласи кескин бўлиб турар эди. Чунки миллатлараро муносабатлар соҳасида вужудга келган зиддиятлар туфайли бу тотувлик барбод бўлиш хавфи остида қолган эди. Тожикистондаги фуқаролар уруши ички сиёсий низо хавфини солиб қўйди, диний фундаментализмнинг ортиқ даражада кучайиб кетиши ва муросасиз оппозициянинг кирдикорлари ёки, бошқача қилиб айтганда, экстремизм ва ҳокимият учун курашнинг турли кўриниши ҳам бундай низога сабаб бўлиши мумкин эди.

Бундан ташқари, иқтисодий алоқалар узилиб, республикалар собиқ марказдан табиий равишда узоқлашиб кетганидан кейин фаолиятнинг барча соҳаларида иқтисодиётни ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш структураларининг нормал ишлашини таъминлаш муаммолари келиб чиқди. Инфляциянинг ўсиши, иш ҳақининг озлиги, ишлаб чиқаришнинг камайиб кетиши, жиноятчилик ва товарлар танқислиги, ана шулар, одатда, эътибордан четда қолдириладиган бўлса, ижтимоий танглик ва ижтимоий портлашга олиб келадиган муаммолардир.

Дастлабки йилларда энг аввало сўз миллатнинг жисмонан яшаб қолиши тўғрисида, шундан кейин демократик институтлар ва иқтисодий фаровонлик тўғрисида бораётганлигини англаб етганлар кўп эмас эди. Демократик институтларнинг йўқлигини эса мухолиф элементлар танқид қилиш учун дастак қилиб олган эдилар.

Юқорида айтилганлардан равшан кўриниб турибдики, илгари коммунистик мафкура асосий роль ўйнаб келган ижтимоий тизим мувозанатини йўқотган шароитда ишни Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида барқарорлик ва тартиб ўрнатишдан бошлаш зарур эди.

Бунда давлат ишларида тартиб ва самарадорликни таъминламай туриб бозор иқтисодиётини ривожлантириш, фуқаролик жамияти қуриш ва сиёсий демократия йўлида бирон-бир жиддий қадам қўябошлаш қийин деган назарий далилга асосланилган.

Тегишли сиёсий маданият ва демократик онг бўлмай туриб демократик ўзгартиришларни амалга оширишдаги ҳар қандай шошма-шошарлик бу принципни тушунмасликка - уни обрўсизлантиришга ва демократия тушунчасига салбий маъно берилишига олиб келиши мумкин эди.МДҲнинг баъзи республикаларида шундай бўлди ҳам. Дастлаб барқарорлик шароитида, энг аввало, сиёсатда қарорлар қабул қилиш ва ошкора куч ишлатмасдан уларнинг ижросини, шунингдек, ҳокимиятнинг қонунийлиги ва унинг самарали ишлаб туришини таъминлаш назарда тутилган эди.

Ҳокимиятнинг самарадорлиги ва унинг ворисийлиги, қарорлар қабул қилиш тартиби ҳамда шартлари ва уларнинг амалга оширилиши, тизимнинг қонунийлиги ва унинг ташқи ва ички ўзгаришларга муносабати, зўрлик ишлатиш даражаси сиёсий барқарорлик ўрнатишнинг концептуал ядросини ташкил этди ва посттоталитар тараққиёт босқичини ўтишда зарур чегарани билдирди.

Шундай қилиб, Ислом Каримовнинг прагматик сиёсати орқали барқарорлик ва тараққиёт концепцияси ишлаб чиқилиб, амалга оширила бошланди. Бу ўз навбатида бир жамиятдан бошқа жамиятга ўтиш зарурлигини, бу даврда жамиятнинг турли соҳаларида ислоҳотлар ўтказиш орқали миллий давлатчиликни шакллантириш ва ривожлантиришга асос бўлди.

Тафсилот

МИСГАР, ТИКУВЧИ, АСКАР ВА ЖУРНАЛИСТ

"Гардиан" газетасининг (Буюк Британия) 2000 йил 12 июнь

Шу тариқа "интелиженс сервис"нинг яна бир амали ошкор бўлди. Айни ўринда табиий бир савол туғилади: Кон Кофлинни журналист сифатида айблаб бўладими? Аслида иқтидорли ва виждонли бу журналист мақолани ҳақиқатга яқинлаштириш учун имкон қадар ҳаракат қилган. Қолаверса, у ўзига берилган маълумотларнинг тўғрилигига шубҳа ҳам қилмагандир. Лекин, у ўз мақоласини "Британия банкининг расмий вакили"га таяниб ёзганман, дегани катта хато бўлган. Негаки, ўқувчи мақоланинг асл манбасини билишга қонунан ҳақли.

Махфий хизматнинг "И/опс"га тегишли бундай амалларини яна келтириш мумкин. Айни вақтда "Индепендент" (Британияда чиқади) газетасининг муҳаррири Леонард Дойл 1997 йил "Эм Ай-6" ходими билан алоқада бўлган. Ўша йилларда у "Обзервер" газетасида ишларди. Хуллас, Дойлнинг "интелиженс"даги "дўсти" унга Глазгода (Буюк Британия) пицца бизнеси билан шуғулланувчи бир савдогарнинг бизнес баҳона спектромер ўғирлаш пайида юргани ҳақида маълумотлар беради. Спектромер дегани уран миқдорини ўлчаш учун қўлланиладиган асбоб бўлиб, у атом бомбаси яратишда жуда зарурдир. Менинг ўзим ҳам бу ишни газетда ёртишга бош қўшганим учун воқеа икир-чикирлари билан яқиндан хабардорман. Бундай "ўйинларда" бошқа қатнашмайман, деб ўз-ўзимга сўз ҳам берганман. Гарчанд, мақоладаги даъволар муҳаррирлар томонидан синчиклаб ўрганиб чиқилган бўлса-да, биз ўқувчиларга ҳамма далилларни очиқ-ойдин айта олмагандик. Бир ҳукуматнинг хизматчиси вазифасини адо этгандик.

"Интелиженс сервис" қўллайдиган яна бир тактика - махсус хизмат вакилларининг ўзлари журналист қиёфасига кириб иш кўриш ҳоллари ҳам тез-тез учрайди. Билишимча, "Эм Ай-6" ходими Ричард Томлинсон айни "санъат" борасида биринчилардан бўлиб оғиз очиб қўйганлардан бири саналади. Шунингдек, Стефен Доррилнинг яқинда нашр этилган "Эм Ай-6" деб номланган китобида ҳам мазкур масала хусусида талай ахборот берилган.

1994 йилда "Спектейтор" (Англия) газетасида Кеннет Робертс номи билан иккита мақола эълон қилинган эди. Мақола Сараево (Собиқ Югославия) воқеалари билан боғлиқ бўлиб, муаллиф К.Робертснинг хизмат вазифаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Боснияда фаолият кўрсатаётган маслаҳатчиси деб ёзилганди. Аслида эса у "Эм Ай-6" зобити Кейт Роберт Крейг бўлиб, у Болқонга жўнатилган Британия ҳарбий бўлинмалари котибиятига атташе сифатида қўшилган.

Ўз вақтида Босния қўшниси Сербия учун қуролли ҳужум ва қирғинбаротлар учун мўлжал вазифасини ўтаган эди. Британия журналистларига у ердаги воқеалар ҳақида эҳтирос билан ёзиш урф ҳам бўлганди. У пайтда Британия ҳарбий аскарлари Боснияда БМТнинг тинчликпарвар кучлари сафида турарди. Робертснинг мақоласи эса исталган одамда эҳтимол Британия аскарлари ҳаммасини ўз ҳолига ташлаб уйга равона бўлгани маъқулроқдир, деган бир андиша уйғотарди.

1994 йил февраль ойининг бешинчисида чиққан биринчи мақола БМТ кучларининг Босниядан чиқиб кетиш-кетмаслиги устидаги баҳсларга таянган бўлиб, унда урушаётган барча томонлар қирғинбаротга берилаётгани ҳақида ёзилганди. Иккинчи мақола эса Босния воқеалари ҳақида журналистлар ноаниқ ва ёлғон ахборотлар узатаётгани ҳақда эди. Мақола муаллифи бундай ноаниқ ахборот узатаётганлар сафига Би-Би-Си мухбири Кэйт Адини ҳам қўшганди.

Умуман, бундай ҳолларда энг муҳими мақола ёзиш эмас, балки уни қандай қилиб эълон эттириш кўпроқ аҳамиятлидир. Крейгнинг "Спектейтор"га қандай муомала қилгани қоронғулигича қолди. Эҳтимол у газетанинг ўша вақтдаги муҳаррири Доминик Лоусонга ўзининг ким эканини очиқ айтгандир, эҳтимол айтмагандир. Ҳар ҳолда, Стефен Доррилнинг "Эм Ай-6" ҳақидаги китобида ёзилишича, муҳаррирнинг рафиқаси Роза Монктоннинг укаси Антони Монктон ҳам айни махсус хизматда ишлаган ва у 1996 йил Болқоннинг Загреб станциясини қўлга олиш учун масъул ҳам бўлган. (Роза Монктон кейинчалик марҳума Малика Диананинг яқин дугоналаридан бири бўлган).

"Спектейтор"нинг ўша вақтдаги муҳаррири Доминик Лоусонни ножўя иш қилганликда айблаш мушкул, албатта. Қолаверса, уни махсус хизматдан пул олиб турувчи ёки текинга ишловчи агент дейишга ҳам ҳеч қандай асос йўқ. Лекин энг ёмони, сен бир жойда бош муҳаррир бўлсангу газетангда махсус хизмат вакилларининг сохта номлар билан турли сиёсий мақолалари эълон қилинса. Доррилнинг китобида ёзилишича, Босния, Белград ва Молдовада хизмат қилгучи "Эм Ай-6" ходимлари ўз мақолаларини эълон қилиш учун "Спектейтор" газетасидан уч-тўрт марта фойдаланишган.

Ричард Томлинсоннинг маълум қилишича, у 1993 йили Хорватия ва Сербияда бирор кимсани Британия журналисти ниқобида ахборот узатиб тургучи қилиб оғдириш учун олти ой саёҳат қилган.

Томлинсон ошкор этган "айблар" орасида энг "ашаддий"си шу эдики, унга кўра мамлакатда нашр этиладиган миллий газеталардан бирининг муҳаррири "Эм Ай-6" агенти бўлган экан. Боз устига, у махсус хизматдан юз минг фунт (тахминан 150 минг АҚШ доллари атрофида) пул мукофоти ҳам олган ва яна "Эм Ай-6" берган сохта паспорт билан хорижий банкларда ҳисоб хам очган экан. Ушбу гапдан кейин муҳаррирлар ноҳукумат ташкилотлари ва матбуот томонидан анча қаттиқ кузатув остига олинганди.

Аслида эса бош муҳаррир масаласида Томлинсонга нотўғри ахборот беришган бўлса, эҳтимол. У билан суҳбатдош бўлганларнинг айтишича, Томлинсон ахборотни биринчи қўлдан олмаган. Мантиқан ўйлаб қаралганда, махфий хизмат ёллайдиган жосуслар муҳаррирлардан эмас, оддий журналистлардан бўлади. Сабаби шундаки, хусусан, турли хизмат сафарларида юрадиган журналистлар жосуслик хизмати учун жуда қулай саналади. Фақат бош муҳаррирдан жосус тариқасида фойдаланиш ўзини оқламайди.

Хулоса қилиб айтганда, бугун биз журналистлар олдида турган асосий вазифа ҳар қандай шубҳали мақолани текшириб кўришдир. Шунингдек, журналистика ва махсус хизмат ўртасидаги муносабат қандай экани хусусида очиқ-ойдин мунозара юритиш ҳам муҳим масала бўлиб турибди.

(Охири. Боши ўтган сонда.)

Инглиз тилидан Фарход АРЗИЕВ таржимаси

АЖАБО!

Словак олимларининг аниқлашича, кўп мутолаа қиладиган, музей, театр ва концертларга тушишни канда қилмайдиган кишиларнинг ўлими маданиятга қизиқмайдиганларга нисбатан 1,5 баравар кам экан!

Ўзингни англаб ет!
Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Амирқул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик концерни босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди —
Буюртма — Г-

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Қадр

ОМОНМИСИЗ, ЭСОН ҲОФИЗ?

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ

Деҳқон фарзанди Эсонбой акани шаҳрихонликлар оддийгина қилиб "ҳофиз" дейишади.

Ҳа, Эсон ҳофиз Қодиров қирқ йилдан ортиқ далада ишлади. Ишлагандаям, юракдан чиқариб, беармон ишлади. Тупроқни алдамади, ғирромлик қилмади. Ерга меҳр билан боқди. Жўякларга сувни ихлос билан таради. Ғўзани ягана қилса, ҳавас билан қилди. Пахта теримига юзим сеникидай оқ бўлсин, деб киришди.

Аммо у бахтини қўшиқдан топишини, қўшиқ орқали юртга танилишини хаёлига ҳам келтирмасди.

Бир куни у...

Ғўзалар оралаб юриб, беихтиёр хониш қилгиси, Маъмуржон Узоқов бўлиб куйлагиси келди. Дастлаб "Фиғонким"...ни, кейин "Ёр истаб", "Айрилмасун"ни хониш қилди.

Зўғатасини зирқиратиб кетмон чопаётган бўз йигитлар ҳайрон. Дуррасини дол қўйган шўх қизларнинг хаёли паришон:

— Бизнинг шу даламиздан Маъмуржон Узоқов чиқса-я!

Унинг ширали, жарангдор овози Пахтаобод қишлоғи далаларидан чиқиб колхозни, туманни, вилоятни ишғол қилди. Бу сеҳрли овоз овозаси фавқулодда тезлик билан Марғилонга, Маъмуржон акага ҳам етиб борди.

Қизиқ замонлар экан... Камтар замонлар экан. Машҳурлар кеккайишни билмайдиган, оддийликка интилишдан ор қилмайдиган даврлар эканми, ўшанда. Йўлдош ота чойхонада оддий одамлар билан чордона қуриб ош дамлар, Усмон Юсупов колхозчилар билан аския айтишиб, Тамарахоним толим-толим сочларини оддий кетмончи йигит ерга ёзиб қўйган дастрўмолига тўкиб солар... хўп онлар экан.

Шундай қилиб, Маъмуржон Узоқов ҳам ўзи етиб келди Шаҳрихонга, Эсонжонни сўроқлаб.

Уста аввал суҳбат қилди, сездирмай синаб. Сайил саҳнасида қўшиқ айттириб кўрди, ўшанда Устоз.

Шогирднинг аҳволи ночоргина эди. Уст-боши ҳам ўнгиб, тўзиб кетган эди. Маъмуржон ака бировларга сездирмайгина Эсонжоннинг қўлига даста пул тутқазди:

— Бир сидра кийиниб олинг. Ортганини уйга майда-чуйда қилиб беринг-да, шу ерга қайтиб келинг. Бирга кетамиз.

Эсонжон ўшанда бозорга, уйга учиб бордими, юриб бордими, эслолмайди.

Шундай қилиб у Устози билан кўп йиллар бирга юрт кезди. Сайру саёҳатлар қилди, қўшиқлар куйлашиб, ота-боладай бўлиб кетишди.

Бироқ буюк ҳофиз билан юзма-юз келган ўша биринчи кунни — ҳаяжонли онни эсласа, ҳали-ҳануз бир ғалати бўлиб кетади.

Ҳаёт... ўз ишини қилар экан. Тез орада Устози ҳам ўтиб кетди, Эсонжонни довдиратиб...

* * *

Эсон ҳофиз бугун Шаҳрихонда, тўйлар, давра-ю сайилларнинг тўрида, фарзандлари ардоғида, юрти-юртдошлари қалби қўрида қарилик гаштини суряпти.

Қарилик гашти. Бу — қалин кўрпачада уззу кун ёнбошлаб ётиш, дегани эмас, албатта. Қарилик гашти — ёшликда мисқоллаб орттирган, йиққантерган обрў-эътиборни, юрт меҳрини йўқотмай, ўтмишдан узилмай, келажакдан юз бурмай, жамиятда муносиб яшаб турмоқдир.

Бу албатта ҳар лаҳза эл хизматида, назарида турган, юрган ҳофизлар учун осон иш эмас...

Улуғлар назари тушган инсонларни қадрлаш, улар ҳақида яхши сўзлар айтиш ҳам савоб, деди кўпни кўрган акаларимиздан бири.

Қутлуғ кунларда Сиз ҳақингизда икки оғиз лутф қилгимиз келди, Эсон ака. Зора устоз Маъмуржон Узоқовнинг руҳлари шод бўлса...

G`uncha

MILLIY G'URUR NIMA?

Nodirbek RAHIMOV

Osoyishta yoz kunlarining birida qo'shni kampir Muqaddas buvi buvimning oldilariga suhbatlashgani keldilar. Buvim uydan chiqolmaydigan bo'lib yotib qolganlaridan beri qo'shnimiz tez-tez biznikiga kelar, kechalari allamahalgacha suhbatlashib o'tirar, u yoqbu yoqdan gapirib buvimning ko'ngillarini ko'tarib qo'yardilar.

O'sha kuni men va ukam Firuzbek televizor ko'rib o'tirar edik. Shunda televizorda "Ring qirollari" ko'rsatuvi boshlanib, unda hamyurtimiz Artur Grigoryan bilan amerikalik bokschi ekranda paydo bo'ldi. Bokschilar orasida jang qizg'in borar edi.

Goh amerikalik bokschining, goh hamyurtimizning qo'li baland kelardi.

Biz esa ukam bilan o'yinni qiziqib tomosha qilar edik. Amerikalik bokschi yurtdoshimizga birdan ketma-ket zarbalar bera boshladi. Biz nafasimizni yutgancha o'tirar edik. Shunda yurtdoshimiz qizishib ketma-ket zarbalar bera boshladi. Biz esa quvonib, chapak chalib, qiyqirib yubordik.

Shunda buvimning suhbati to'xtab, ular ham ekranga tikilishdi. Qo'shnimiz esa birdan: "Qay biri bizdan?" deya so'radilar. Biz Arturni ko'rsatib, O'zbekistondan ekanini aytdik. U kishi ham astoydil tomosha qila boshladilar.

Har safar hamyurtimiz zarba bera boshlasa Muqaddas buvi ham: "Ha, barakalla, ur uni Artur, ur!" deya oldinga qarab siljib qo'yardilar.

Jang ancha shiddatli bo'ldi, shunga qaramay hamyurtimiz g'olib bo'ldi. O'yin tugaguncha ancha charchab ketgandek bo'ldim. O'yin tugagandan keyin qarasak, Muqaddas buvim uyning bu burchagidan televizor oldigacha borib qolgan edilar. Buni ko'rib hammamiz kulib yubordik.

Shunda ukam qo'shni kampirdan: "Buvi, Artur arman millatidan bo'lsa, nimaga buncha quvonasiz?" deya so'radi. Qo'shnimiz esa astoydil xafa bo'lib: "Iye, o'g'lim, axir Artur millati arman bo'lsa ham O'zbekistonda tug'ilgan, yurtimiz sha'nini himoya qilib jangga kirdi, O'zbekiston bayrog'ini balandroq ko'tarishga bel bog'ladi", — dedilar.

Shunda men "milliy g'urur" degan narsani tushungandek bo'ldim. Axir millatimiz, yurtimiz sha'nini himoya qilish uchun o'z jonini xavfga qo'yish bu "milliy g'urur" emasmi?

Bugun men qalamim qo'limga olib,
Uzoq tarixingni o'yladim yurtim.
Istiqlolingni men she'rimga solib,
Farovon hayoting kuyladim yurtim.

Yosh o'g'il-qizlaring o'zgacha so'ylar,
Jalb etar o'ziga butun jahonni.
Qo'lida qalami bulbuldek sayrar,
Dunyoga ko'rsatar O'zbekistonni!

Shofirkon tumani

Ҳажвия

ЗЎРДАН ЗЎР ЧИҚСА...

Достонбекнинг қизи ўқишни битиргач, ишга кира олмай икки ой сарсону саргардон бўлгач, дадасига зорланди:

— Дадажон, берайлик ҳалиги қурғур порани, ўша порахўр тўйиб ўлсин.

— Нега берарканмиз, ахир сени шартнома билан пул тўлаб ўқитдим-ку!

— Шунча кетганнинг бири-да, ишга кирсам, пулингизни беш ойда ишлаб топаман, — деди қизи баттар зорланиб.

— Тўхта қизим, порахўр, таъмагирлар кўпинча қўрқоқ ҳам бўлишади, — деди миясига келган фикрдан илжайиб. — Қани, қизим, сен ташқарига чиқиб тур.

Кейин таваккал қилиб қизи ишга кирмоқчи бўлган ташкилот раҳбари телефони рақамларини терди.

"Эшитаман, хизмат?" — деган майин овозни эшитгач, Достонбек баланд, салмоқли овозда гап бошлади:

— Адашмасам, сиз, ука, бошқарманинг янги бошлиғи бўлсангиз керак, шундайми?

— Ҳа шундай, ўзлари ким бўладилар?

— Буни кейинроқ биласиз. Бу, сиз билан гаплашиш қийинроқ дейишади, шу ростми? Ҳузурингизга кириш эса янада мушкулроқ экан.

— Йўқ, йўқ, ака, сизга нотўғри тушунтиришибди, хизмат бўлса айтаверинг, бир оғиз гапингиз.

— Ундай бўлса, нега Чаман Ўткирова деган қизни ишга олмаяпсиз? Икки ойдан бери қабулхонангизда кунини ўтказяпти. Мана, қўлимда қизнинг икки ойдан бери остонангиздан ҳатлаб ўта олмаётганлиги хусусида аризаси турибди. Сиздан олдинги бошлиқ ўқиш тугаши билан уни ишга қабул қиламиз дея шартномага қўл қўйган, шундан хабарингиз борми?

— Йўқ, э-э ҳа, эшитгандай бўлувдим. Мен ҳозир, ҳозир, ака. Э-э мана топдим, топдим. Қизчангиз ҳозироқ келсин, у келгунча мен буйруққа қўл қўйиб қўяман, хотиржам бўлинг, акажон.

— Нималар деяпсиз, қизча меники эмас, у менга шикоят билан келди.

— Ҳа-ҳа, эсим қурсин, ахир сиз, сиз ҳокимликдансизку.

— Буни кейин ҳузуримга чақиртирганимда биласиз.

— Чақиртиришингизга сира ҳожат йўқ, ака, сиздек катта одамни безовта қилиб бўлмайди, ака. Тоза ўлиб қолибмиз-ку, ака.

— Безовта бўлишга бўлдик, аммо адолат юзага чиқмаса, унда кўрасиз безовта бўлиш қандоқ бўлишини.

— Ҳожати йўқ, ака, мана буйруққа қўл қўйдим. Чаманой Чимбоевна оддий эмас, катта мутахассисликка қабул қилинди. Буйруқ сонини айт деяпсизми, етмиш етти. Етти рақамлари бахтли ҳисобланади. Ҳадемай Чаманойнинг бахти гулдек очилиб кетади, ишонаверинг, акажон.

— Демак, сизга ишонса бўлади. Буйруқнинг ростлигини текширишга бирортасини юборишга ҳожат йўқ. Аризани ёпиш тўғрисида имзо қўйсак бўлаверади, шундайми?

— Шундай, шундай, хўжайин, ишонмасангиз ўқиб бераман.

— Бўлмаса ҳозир Чаман Ўткирова қабулингизга боради, қўлига буйруқдан бир эмас, иккитасини беринг. Тушунарлими?

— Вой, тушунмай ўлибманми? У менинг қабулимга эмас, мен унинг қабулига пешвоз чиқаман. Мана чиқаяпман, ака, чиқаяпман...

"Тавба, зўрдан зўр чиқса, зўр қўлини кўтаради дегани шумикан-а", дея гўшакни қўяркан, тиззасини шапатилади Достонбек.

Ўткир ЖЎРА

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ҒИЙБАТЛАР

Кўзларини бўш курсига михлаб қўйди.
(Ҳаваскор адиб ҳикоясидан)

Икки шоир тахта бўлиб ўтирар, чолдан эса ғазал тўкиларди...
(Радио эшиттиришларидан)

У кишининг оғизларига арвоҳ қўнган, дўмбирасининг қулоғини бураса бас, ўланнинг ўзи оқиб келаверади.
(Мунаққиднинг таъкиди)

Рассом тушмагур янгамни нақ қиз қилиб қўйибди.
(Лаганбардорнинг мақтови)

Кунлар ва ойлар худди илондек совуқ ўрмалаб борарди.
(Радиоочеркдан)

Ўт босган боғлар орасидан лозимини қийналмай топиб боришди.
(Ёш қаламкаш машқидан)

"Ўзини осиб қўйибди" деса, одамлар минг хил миш-миш тўқишади, "тўсатдан ўлибди" деса, "бечора" деб қўя қолишади, одамларга ҳам ҳайронсан.
(Маҳалла оқсоқолининг эътирози)

Долзарб мавзуга тўн кийдиришди.
(Мақтанчоқ нотиқ сўзидан)

Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ

Санъат

"ТРАМВАЙ "УХЛАГАНИДА" ОВОЗ ЁЗАРДИК..."

Ҳамидулла АКБАРОВ

Бетакрор овоз соҳибаси, Ўзбекистон халқ артисти Саодат Қобулованинг хонадонларига яқинлашганимизда "Отмагай тонг"нинг ёқимли садолари, "Дугоҳ"нинг таъсирчан мисралари-ю, ҳисҳаяжонга тўлиб-тошган куйлари эшитилиб тургандек бўлди. Лирик тароналар мажмуасида Саодат опанинг ипакдек юмшоқ, ширали, кишига завқ-шавқ берадиган овозлари ажралиб турди. Мўътабар хонадонга қадам ранжида этганимизда, эъзозли мезбон бизни табассум билан қарши олганда ҳам ўша куй, ўша овоз янграб тургандек бўлди.

— Саодат опа, "Отмагай тонг", "Қаламлар", "Эй, қуёш!", "Қаро муҳаббат" 1945 йилдаги "Тоҳир ва Зуҳра" фильмига кириб қолгани яхши бўлган экан-да! Ўзбек халқ мусиқасини севадиган, қадрига етиб ҳис-ҳаяжон билан ижро этадиган хонанда ва созандалар ижросидаги бу ашулалар авлод-аждодга кино тасмаси ила етиб боради, — деб гап бошлаганимда, суҳбатдошим тўлқинланиб:

— Қанчалик қийинчилик бўлганини билсангиз эди! Техника ожиз, тасма танқис, кадрлар етишмайди, вақт тиғиз... Менга қўйишган микрофонни на пастга тушириб бўлмасди, на баландга кўтариб. Бўйим унча баланд бўлмагани сабабли микрофон даражасига кўтарила олмасдим: бўйим етмасди. Шунда режиссёр Наби Ғаниев қаердандир тўртта ғишт олиб келиб оёғим тагига қўйганлар. Шундагина микрофон билан қўшиқ айтиш имкони бўлган. Зуҳра ролини ўйнаган гўзал дугонам — Юлдузхон Ризаева ашула айтгандек кўринган. Ваҳоланки, менинг ўн саккиз ёшимдаги овозим янграган, кино тасмасига муҳрланган. Мен Ҳадра даҳасидаги "Ватан" кинотеатрининг катта экрани рўпарасида туриб Юлдузхон оғиз очишига қараб ашуламни мослаганман. Дарвоқе, ўша кинотеатрда киностудия ходимлари ярим кечада иш бошлар эдилар. Трамвайлар депога кириб, эрта тонггача бизга овоз ёзиш учун "муҳлат берарди", — дедилар.

Саодат опанинг ҳикояларини тинглаб, "Тоҳир ва Зуҳра" фильми титрларида уларнинг олим Яхё Ғуломовнинг, бастакор Тўхтасин Жалиловнинг исм-шарифлари йўқлигини эсладим. Аслида уларнинг бири хонанда, иккинчиси маслаҳатчи-тарихшунос, учинчиси халқ куйларининг билимдони, куй ва соз устаси сифатида фильм бунёд этилишида қатнашганлари маълум.

— Мен уч-тўрт фильмда иштирок этдим. Ўзимни суратга олишмади. Фамилиямни ҳам ёзишмади. Лекин овозим ёзилиб қолди. Шунга ҳам хурсандман. "Ҳамза" кино тасмасининг марказида дурустгина бастакор, лирик шеърларида ниҳоятда самимий шоирнинг сиймоси турганидан мамнун бўлганман. Бу гал ҳам кадр ортида қолиб, актриса Шарофат Шокированинг экрандаги қаҳрамони куйлашига кўмаклашганман. Шоҳимардоннинг гўзал манзараси, тоғу зилол сувлари, кўм-кўк ўрмонларидан завқ олиб куйлаётган Санобарнинг ҳолатига киришга ҳаракат қилганман. Ўшанда "Алла"ни айтганимда кўзларимдан ёш чиқиб кетган-у, "Нега кинога шундай дақиқаларни олишмайди?" деб йўлаб ҳам қолганман. Бу асар суратга олинганига 40 йил бўлди. Унда Икром Акбаровнинг мусиқаси билан бирга фильм қаҳрамони Ҳамзанинг ашула ва шеърлари ҳам ўрин олган эди. Сюжет шундай қурилган эдики, лирик садолар, драматик кучга эга бўлган қўшиқлар (ҳаттоки сўзсиз қўшиқ) учун жой топилган. Мусиқа, тасвир, ижро бирбирини тўлдирган, изоҳлаган эди.

— Саодат опа, кейинчалик мусиқали фильмлар яратишга етарли аҳамият берилмади, чамаси. Менга қолса, сиз каби хонандаларга мослаб сценарийлар ёзиш керак. Улардан унумли фойдаланиш йўлларини излаш зарур. Ўз вақтида Клара Жалиловага мослаб асар ёзилиши "Мафтунингман" мусиқали комедиясининг пайдо бўлишига олиб келган эди. Қанчадан-қанча раққосалар, созандалар, балет, опера, мусиқали драмалар усталарининг санъатлари кино тасмасига муҳрланиб қолди... Шу билан бирга Ботир Зокиров, Ҳалима Носирова, Ҳабиба Охунова, Насира Юсупова, Султонпошша Раҳимова каби хонандалар имкониятларидан кинода фойдаланилмаганидан ниҳоятда афсусланаман.

— Менинг ҳам армоним бор. "Дилором" операсини кинога айнан кўчирмаганлар. Ваҳоланки, театрда бўш жой бўлмасди бу асар қўйилганида. Тўғри, опера асосида фильм яратишда саҳна асари ўзгариб кетди. Дилором ролида Гули Ҳамроева ўйнади. Мен яна кадр ортида куйладим. Фикримча, бу машҳур асар фильм — опера сифатида суратга олиниши ва сақлаб қолиниши керак эди. Жаҳон кинематографияси тарихида Дж. Верди, П.И.Чайковский каби композиторларининг опералари кино тасмасига айнан ёзиб қолдирилгани маълум-ку!

Саодат Қобулова армонларини айтганларида биз ҳам Сулаймон Юдаковнинг "Майсаранинг иши" операси заминида фильм-опера суратга олинмаганидан афсусландик. Ажойиб мусиқаси, қизиқарли, жозибали ижроси (Халима Носированинг Майсарасини, Карим Зокировнинг Мулладўстини эсланг!) билан шуҳрат қозонган асар ўша кезлари кино тасмасига муҳрланиши зарурлиги ҳақида бугун фикр юритишимизнинг яна бир сабаби бор. Эндиликда яратилган "Ўтган кунлар" (композитор М.Тожиев), "Жалолиддин Мангуберди" (И.Акбаров), Навоий асарлари бўйича (Р.Ҳамроев) опералар кино аҳлининг эътиборидан четда қолмаслиги зарур...

Эҳтирос

СЎНАРМУ БУ МУҲАББАТ?!

Тўлиб-тошиб, пишқирса ҳам,
Сувнинг ерга сингиши бор.
Булутларни кўчирса ҳам
Шамолнинг-да тиниши бор.
Куйдирса ҳам, пиширса ҳам
Оловнинг-да сўниши бор.

Муҳаббат ҳам сўнармикин,
Юрак шунга кўнармикин?!

Ўчирганча олам рангин,
Зулмат зулм тўрин ёйса,
Тикан қайда, қайдадир гул,
Булбул нолон, билмай қолса,
Ўқийверса фурсат ҳукмин
Қовжираса яшил майса.

Муҳаббат ҳам сўнармикин,
Юрак шунга кўнармикин?!

Гадо титган тўрва каби
Дунёлари бўлса адош,
Тоғларни ҳам тўзғитиб сўнг
Тугаб битса сабр-бардош,
Тафтин бериб еру кўкка
Ногоҳ тўнғар бўлса қуёш.

Муҳаббат ҳам сўнармикин,
Юрак шунга кўнармикин?!

Маъмур БОЗОР АЛИ



Ширинтойимиз Беҳрузбек! Қутлуғ бир ёшинг муборак бўлсин! Мана шу 1 нинг ортига жуда-а кў-ўп ноллар тиркалганда ҳам соғу саломат юришингни Аллоҳ насиб этсин. Илоҳим, ҳаётга эндигина қўяётган тетапоя қадамларинг сира қоқилмасин!

МЕҲРИБОНЛАРИНГ

Қадрли синглижонимиз Ҳабибахон!

Таваллуд айёминг муборак бўлсин! Илоҳим, ҳеч қачон лабингдан кулгу, чеҳрангдан табассум аримасин. Барча ўйлаган орзу-ниятларингга етишда Аллоҳ мададкоринг бўлсин. Сенга дунёдаги барча эзгуликларни тилаб

Опаларинг ҳамда акаларинг

Зангиота туман ХТБга қарашли С.Раҳимов номли 43-ўрта мактаб томонидан Сайфулло Холходжаевич Шамсиев номига 1994 йилда берилган 9-синфни битирганлик ҳақидаги № 564546 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 23-ўрта мактаб томонидан Илҳом Неъматуллаевич Пардабоев номига 1999 йилда берилган O'R-A № 613757 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Б.Нақшбандий кўчаси 60-а уйда яшовчи Аҳадов Джохонгир Рауфовичга Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги томонидан 2001 йил 15 февралда берилган АТ № 0015504 рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Ҳуррият"—TV

"АХБОРОТ"ДА ИШЛАШ ОСОН ЭМАС

Журналист бугунги кун нафаси билан яшамоғи лозим. Биз биламизки, омма онгига ОАВ ўзининг тезкорлиги, ишончлилиги билан таъсир этади. Ҳар бир журналистнинг мақсади Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш ва бу йўлда қилинаётган саъйи ҳаракатлар, иқтисодий ислоҳотлар, мафкура, ўзликни англаш сингари долзарб вазифалар замиридаги асл мақсадларни тўғри, ҳаққоний тарзда халққа етказа билишда мамлакатимиз Президенти, ҳукуматнинг ишончли вакили бўлмоғи лозим. Бундай изланишлар талаб қилаётган ўзгаришлар даврида журналистикамиз ҳақидаги фикрларини билиш учун Ўзбекистон телевидениесининг жонкуяр журналистларидан бири Маҳмуд Ориповни суҳбатга чорладик.

— Ижод йўлидаги фаолиятингизни бир эсласак.

— 1984 йил илк бор "Ахборот"га келган бўлсам, ўтган вақт мобайнида барча ахборотчилар босиб ўтган ижод йўлини босиб ўтдим. Ижодий фаолиятимни матнларни таржима қилиш, телевидениебоп матн ёзишни ўрганишдан бошлаганман. Дастлаб "Янгиликлар" дастурини, сал тажрибам орттгач, "Ахборот" дастурини тайёрлай бошладим. Кичик муҳаррирликдан эфирга узатиш гуруҳи раҳбари даражасигача бўлган ижодий йўлни босиб ўтдим. Устозларим Ҳасан Ҳамроев, Борис Небилицкий, Муҳаммаджон Раҳматов кўмагида ҳақиқий "Ахборот"чига айландим.

Биринчи "Иқтисодий шарҳ" саҳифасини очиб, бошлаб берганман. "Ҳафтанома", "Ахборот"нинг тунги сонларини бошловчи сифатида олиб боришга тўғри келган. "Долзарб мавзу", "Ахборот танқид қилади" дастурларининг айрим сонларини, бир қатор сиёсий-иқтисодий мавзуларга доир кўрсатувлар тайёрлаганман. Сўнгги вақтларда "Ахборот"нинг эфир вақти кўпайишига қарамай унга илова сифатида "Ахборот ТВ-маркет" тижорат-реклама дастурини очдим.

— Ўз-ўзидан кейинги саволим "Ахборот"нинг бугунги иш жараёни хусусида.

— Ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан энг тез, ишончли ва тўғри маълумотлар берадиган оммавий ахборот воситаси — телевидениедир. Аниқроқ айтсам, бу шубҳасиз "Ахборот" дастуридир.

Ҳар куни Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб, қисман қўшни давлатларга трансляция қилинадиган "Ахборот" кўрсатувини тайёрлаш ва уни эфирга узатиш йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Айни пайтда "Ахборот" дирекциясида 200 дан ортиқ муҳаррирлар, шарҳловчилар, режиссёрлар, тасвирчилардан иборат йирик ижодий гуруҳ жам бўлган. Ҳар бир вилоятда ўз мухбирларимиз бўлишидан ташқари республикамиз ҳаётидаги муҳим воқеаларни ёритиш учун дирекциянинг сайёр гуруҳлари ҳам фаолият кўрсатиб туришибди.

Пойтахт микёсидаги воқеаларни тўлақонли ёритиш учун ҳар куни ижодий гуруҳ 15-20 маротаба съёмкаларга чиқишади, десам муболаға бўлмай

Эфирга кетаётган ҳар бир дақиқа замирида қанча меҳнат ётганидан кўпчилик телетомошабинларимиз бехабар албатта.

— Бугунги куннинг асосий мавзуси нима деб ўйлайсиз?

— Бугуннинг энг асосий мавзуси бу шубҳасиз ҳар бир воқеани халқ тилида тушунтира билишдир. Мавзуни эса ҳаётнинг ўзи кўрсатади. Информацион кўрсатув ижодкори айнан шу куннинг энг долзарб воқелиги билан яшаб ижод қилиши керак.

— Журналист қандай бўлиши керак?

— Бир сўз билан айтганда, журналист холис, билимдон, камтар, ҳозиржавоб ва тезкор, ўз касбининг устаси бўлиши лозим.

— Газетхонларимиз учун қизиқарли бўлган савол. Оилангиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Турмуш ўртоғим Замира Орипова "Ўзтелерадиокомпанияси"да кутубхоначи бўлиб ишлайди. Дунёқараши, муносабати, фикр-мулоҳазалари билан менга яқин дўст. Икки қиз, бир ўғлим бор. Ўғлим Хондамир, қизларим Гулнора ва Моҳидил. Учаласи ҳам ижтимоий йўналишдаги Республика махсус гимназиясида таҳсил олишади.

— Келгусидаги режаларингиз?

— "Ахборот" халқимиз учун информация, тўғри сўз оладиган энг биринчи оммавий ахборот воситаси бўлиб қолишини хоҳлардим. Шахсан ўзим дастурда янги саҳифалар, янги таҳлилий кўрсатувлар очишни истардим.

Ғайрат МАЖИДОВ,
журналист

Касалликларни янги, юқори сифатли, кафолатланган, 100 фоиз табиий (Франция) маҳсулотлар билан даволаш усулини таклиф этамиз:

— Асаб, уйқусизлик, камқувватлик, остеохондроз;
— қандли диабет, бўқоқ;
эркаклар муаммолари: простатит, импотенция, бепуштлик;
— болаларнинг ўсишдан ортда қолиши, тез-тез касалликларга чалиниши;
— жигарнинг сурункали хасталиклари;
Витилиго, псориаз, аллергия.

136-00-10 рақамли телефон орқали соат 9.00-12.00 гача ва 17.00-21.00 гача мурожаат қилишингиз мумкин.